

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАХОН ТИЛЛАРИ
УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

Аккулова Гавҳар Бахриддиновна

**ХОЗИРГИ ЗАМОН ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА
ФЕЪЛЛАРНИНГ ФУНКЦИОНАЛ СЕМАНТИК ТАҲЛИЛИ.
(Харакатни билдирувчи феъллар мисолида)**

**Филология магистри даражасини олиш учун тайёрланган
Магистрлик Диссертацияси
Ихтисослик: 5А 120102
Лингвистика (инглиз тили)**

**Иш кўриб чиқилди ва
Ҳимояга қўйилди
Кафедра мудири:
Ф.Ф.Н.Доц. Галиева М.Р.
“ _____ ” _____ 2014 й**

**Илмий раҳбар:
Ф.Ф.Н.Доц.Матякубов Ж.И.**

Тошкент - 2014

Мундарижа

Кириш	3
1-Боб. Тил луғат таркибини тизим тарзида ўрганишнинг асосий муаммолари.	
1.1.Инглиз тилида сўз туркумларини чегаралаш муаммолари.....	7
1.2.Феъл семантикасини таҳлил қилишда майдон назариясининг қўлланилиши.....	12
1.3.Сўзларнинг мазмун жиҳатидан функционал таҳлили.....	17
2-Боб. Фаол ҳаракатни англаувчи феълларнинг функционал семантик хусусиятлари.	
2.1.Феълларнинг мазмуний қурилишига кўра классификация қилиш муаммолари.....	26
2.2. Субъектив ҳаракат билдирувчи феълларнинг лексик семантикаси.....	45
2.3. Объектив ҳаракат билдирувчи феълларнинг лексик семантик тавсифи.....	48
3-Боб. Инглиз тилида феъл атамаларининг семантик деривацияси.	
3.1.Икки йўналишли ҳаракатни билдирувчи феълларни семантик характеристикаси.....	56
3.2.Фаол ҳаракатни билдирувчи феълларда семантик каузация масаласи.....	59
3.3.Ҳаракат феълларининг каузатив маънода ишлатилиши.....	67
Умумий хулосалар	79
Фойдаланилган илмий адабиётлар рўйҳати	82

КИРИШ

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган давлат сиёсати натижасида мамлакат ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий, маърифий ва илмий соҳаларида катта ютуқлар қўлга киритилмоқда. Мазкур сиёсатнинг бир қисми сифатида тил сиёсати соҳасида қўйилган ижобий қадамлар ҳақида айтиш жойиздир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларини ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги ПҚ1875-сонли қарорига биноан Давлат тили бўлмиш ўзбек тили билан бир қаторда жаҳоннинг ривожланган чет тилларини ўрганиш, улар устида илмий тадқиқотлар олиб бориш учун янада катта шарт-шароитлар яратилди.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек “Биз таълим тизимида ўқувчиларнинг нафақат кенг билимли ва профессионал кўникмаларини эгаллаши, айти пайтда чет мамлакатлардаги тенгдошлари билан фаол мулоқот қилиши, бугунги дунёда рўй бераётган барча воқеа ҳодисалар янгиликлар ва ўзгаришлардан атрофлича хабардор бўлиши, жаҳондаги улкан интеллектуал билимни эгаллашнинг энг муҳим шarti ҳисобланган ҳорижий тилларни чуқур ўрганишлари учун катта аҳамият бермоғимиз лозим”¹.

Табийки, тилнинг бундай катта функционал юклама вазифаларни бажариши унинг грамматик қурилиш луғат таркиби ва услубий қўлланишининг кенгайишига таъсир этмай қолмайди. Хар бир соҳа тили дифференциация тенденцияси билан тараққий эта боради ва фақат унинг ўзигагина хос бўлган хоссалар, хусусиятларга эга бўла бошлайди. Охир оқибатда бундай тараққиёт хар бир соҳанинг ўз тилига эга бўлишига олиб келади. Бу соҳалар ўз луғат таркибига, атамалар ва грамматик структуралар тизимига эга дейиш мумкин.

¹И.А.Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч

Олий таълим муассасалари олдига қўйилган буюк бу маъсулиятли вазифаларни ечишнинг асосий омили, ҳар томонлама етук авлодни тарбиялаб вояга етказишдан иборат. Бу вазифалар олий таълим муассасалари педагоглари, филологлари, таржимон кадрларига ҳам тўлалигича тегишли десак муболаға бўлмайди.

Мазкур тадқиқот иши мана шу умумий йўналишнинг бир қисмини ташкил этадиган соҳани тадқиқ этишга бағишланган бўлиб, унда инглиз тилидаги ҳаракатни билдирувчи феъллар синонимик қаторининг функционал-семантик таҳлилини амалга ошириш кўзда тутилади. Танланган **мавзунинг долзарблиги** шундаки, тилнинг мазмун планига алоқадор тадқиқотларда тил луғат таркибининг турли қатламлари чуқур тадқиқ этилган бўлсада, инглиз тилидаги ҳаракатни билдирувчи феълларининг семантикаси ҳозиргача ўрганилмаган ва бу эса ўз навбатида тил фактларининг кўп томонларини тўлалигича тушунишга тўсик бўлмоқда. Шунинг учун бу масалаларни тадқиқ этиш ва уларнинг ечимини топиш тилшунослик фанининг ҳозирги кундаги долзарб муаммоси бўлиб турибди.

Мазкур тадқиқотни олиб боришдан қўзланган **мақсад** инглиз тилидаги фаол ҳаракатни билдирувчи феъллар синонимик қаторини функционал- семантик жиҳатдан таҳлил қилиш ва уларга кенг, ҳар томонлама тасниф беришдир.

Ана шу мақсад асосида биз ўз олдимизга қуйидаги

Аниқ вазифаларни қўйдик:

- 1) тилнинг луғат таркибини тизим тарзида ўрганишнинг асосий муоммоларини кўриб чиқиш;
- 2) тилнинг луғат таркибини ўрганишнинг аспект ва методларини таҳлил қилиш;
- 3) феъл семантикасини таҳлил қилишда майдон назариясининг қўлланиш имкониятларини ўрганиш;
- 4) фаол ҳаракат маъносини билдирувчи феъллар мазмун гуруҳини функционал таҳлил қилиш;
- 5) ҳаракат феъллари семантик структурасини таҳлил қилиш йўли билан уларнинг турларини аниқлаш;

6) субъектив ҳаракат феълларининг семантик хусусиятларини ўрганиб чиқиш;

7) икки йўналиш ҳаракатини билдирувчи феълларнинг семантик ҳарактеристикани ўрганиб чиқиш;

8) ҳаракатни билдирувчи феъллар маъно кўламида каузатувчилик ходисасининг табиатини ўрганиш;

Бу муаммоларни чуқур ўрганиш тил луғат таркибини хали ечилмаган муаммоларни ҳал қилишга ёрдам бериши шубҳасиздир.

Ишнинг **илмий янгилиги** шундаки ҳозирги пайтгача ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилларида феълларнинг функционал семантик қиёсий таҳлили мавжуд эмас шу сабабли тадқиқот объектининг танлаш ва муаммони ўртага ташлашнинг ўзи шу вақтгача бажарилган бўлиб ушбу иш эса уларнинг функционал семантикасини таҳлилга йўналтирилган барча ишлардан фарқлидир.

Тадқиқотнинг **иш гипотезаси** қуйидаги фикрларга асосланган бўлиб, аввало феълларнинг семантикаси бўйича бир-бири билан боғланганлиги ва биз ўзимизнинг ишимизда сўз туркумининг умумий маъноси бўла олмаслигини ифодалаб беради.

Диссертациянинг **назарий аҳамияти** шундаки бу ерда кўтарилган мавзу ва ечимлар тил луғат таркибини тизим тарзида тадқиқ қилиш мобайнида учраб турадиган айрим ноаниқликлар ва муаммоларнинг сабабини тушунишга ва уларга ечим топишга имконият яратади. Тадқиқотнинг **амалий аҳамияти** шундаки, бу тадқиқотда таҳлил қилинган тил материали қўлланган метод, чиқарилган хулосалар ва ишчи гипотеза, филология соҳиси ва таржимонлик курсларидан лексикология, таржима назаряси, назарий грамматика ва амалий курслардан, оғзаки ва ёзма нутук амалиёти, таржима амалиёти дарсларида фойдали бўлиши мумкин ҳамда ёзилаётган курс ишлари, битирув малакавий ишлари, магистрлик диссертациялари ёзишда ёрдам бериши мумкин.

Кўйилган мақсад ва вазифаларига мос равишда диссертация кириш, 3 бобдан иборат бўлган асосий қисм, умумий хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Мазкур диссертация ишланиш **объекти** инглиз тилидаги ҳаракатни билдирувчи феъллар синонимик қаторнинг функционал семантикаси.

Диссертация **материали** бўлиб, унга инглиз тилининг турли изоҳли луғатлари, диссертация, монография, автореферат ва мақолалар хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги шундан иборатки тўпланган ва таҳлил қилинган маълумотларни назарий ишлаб чиқиш усуллари ва феълларнинг функционал семантикасини бадиий асарларда ва луғатларда акс етган маълумотларни солиштириш ва таҳлил қилишдир.

Тадқиқотни методологик асоси бўлиб тилшуносликнинг умумий ва герман назарияси (Blokh M, Jespersen O, Jakoff F, Ashurova D, Bolotov V, Yusupov U.) (componental analysis and distributional analysis) каби кўзга кўринган машхур илмий ишлари сабаб бўла олади.

1-Боб. Тил луғат таркибини тизим тарзида ўрганишнинг асосий муаммолари.

1.1.Инглиз тилида сўз туркумларини чегаралаш муаммолари.

Хар бир тил минглаб лексемаларга эга. Уларни тасвирлаётганда ёки изохлаётганда хар бирини алохида таҳлил қилиш мумкин ёки мавҳум хусусиятларини ҳисобга олиб уларни гуруҳларга бирлаштириш мумкин. Тилшунослар икки усулни ҳам тадбиқ қилиб кўришди. Луғат умуман олганда, индивидуал лексемаларни тасвирласа, грамматик китоб лексемалар гуруҳлари билан шуғулланади (одатда улар сўз туркумлари деб аталади). Кўп йиллар мобайнида грамматикачилар сўз туркумларини ўрганиб келаётган булсада, хали-хануз ўзига яраша очилмаган қирралари пайдо бўлмокда.

Сўз туркумининг лексемалари, аввалам бор маънолари бўйича бир-бири билан боғланган. Бу сўз туркумининг умумий маъноси грамматик бўла олмайди, чунки бир лексеманинг аъзолари турли хил грамматик мазмун-маънога эга. Нима бўлганда ҳам, сўз туркумининг умумий мазмун-маъноси маълум типик грамматик маъно билан жуда узвий боғланган. Сўз туркумининг умумий маъноси лексик ҳам бўла олмайди. Бордию сўз туркумининг барча сўзлари бир хил лексик маънога эга бўлганида эди, улар бир лексемага бирлашган бўлишарди. Бирок сўз туркумининг маъноси бирлаштирувчи лексемаларнинг лексик маънолари билан узвий боғлиқдир.

Шундай қилиб сўз туркумининг умумий маъноси лексик ҳам грамматик ҳам эмас бироқ у иккаласи билан ҳам боғлиқ, шу сабабдан у лексик-грамматик маъно деб аталади³.

Сўз туркумлари ўзларининг грамматик категориялари орқали характерланади. Отлар сон ва келишик категориясига эга феъллар замон, нисбат, майл ва бошқа категорияларга эга. Сифатлар эса таккослаш катигориясига эга. Шу сабабли ҳам турли сўз туркумларига тегишли бўлган лексемалар парадигмалари турличадир.

Масалан феъл парадигмаси узунрок: write, writes, wrote, shall write, will write, am writing, is writing, was writing, were writing ва х,к.

³Б.С.Хаймович. Б.И.Роговская. Теоретическая грамматика английского языка. Л1967. стр 32

Отнинг парадигмалари эса бироз қисқароқ; sister, sisters, sister s, sisters . Сифатнинг парадигмалари эса ундан ҳам қисқа: cold, colder, coldest. Рағишнинг парадигмаси эса ундан ҳам қисқа: always.

Лексеманинг парадигмалари ушбу лексеманинг қайси сўз туркумига эга эканини кўрсатади. Сўз туркумининг яна бир жиҳати шундаки, улар уйғунлаша оладилар, бошқача айтганда, бошқа сўзлар билан бирика олиш қобилиятига эга, бунга асосан уларни лексик грамматик бирикмаларга ажратишимиз мумкун. Сўз туркумланининг бирикиш қобилияти хақида гап борганда, авваламбор лексик-грамматик маъно кўзда тутилиши керак. Шу аснода бирикиш сўзлар лексик грамматик маъноларини назарга олмай, ўша сўзлар билан аниқ бир қисмлар (бирикмалар) ташкил қилади. То (from, at) school бунда ёрқин мисол бўла олади.

Юқорида қайд этилганидек, сўз туркумлари гапдаги вазифаларига кўра ҳам характерланади. От асосан эга ёки тўлдирувчи вазифасида, феъл асосан, кесим вазифасида, сифат эса аниқловчи вазифасида ишлатилади сўз туркумлари ва гап бўлақлари ўртасида қандайдир боғлиқлик мавжуд, бироқ бунда мажбурий мос келиш табиати назаримиздан йироқда. Гапнинг эгаси фақат от билан эмас, балки олмош, сон, герундий, инфинитив ва бошқаси билан ифодаланиши мумкин. Бошқа томондан эса, от гапнинг хар қандай қисми вазифасини тўлдириб кела олади. Бироқ предлоғлар, боғловчилар, юктамалар, одатда, хар қандай гап бўлаги вазифасини тўлдироллади. Буларнинг ҳаммаси грамматиканинг икки асосий бирлиги бўлган сўз ва гапни адаштириб қўйишдан иложи борича йироқлашиши керак.

Шундай қилиб сўз туркуми лексемалар синфи бўлиб, қуйидаги тамойиллар асосида характерланади:

*ўзининг лексик- грамматик маъносига кўра

*ўзининг лексик - грамматик морфемаларига (ўзак ясовчи қўшимчалари)

га кўра ўзининг грамматик катигориялари ёки парадигмаларига кўра

*ўзининг бирикувига кўра

*гапдаги вазифасига кўра характерланади

Сўзлар ўзининг маъно, морфологик таснифи ва синтактик вазифаларига кўра маълум бир сўз туркумига ажралади. Маъно деганда биз барча сўзларга умумий бўлган маънони, масалан, от сўз туркуми

учун нарса, феъл сўз туркуми учун холат ёки жараённи англаймиз. Марфологик таснифи эса бутун бир гурухни, масала, от сўз туркумининг миқдорини ёки феъл сўз туркумининг нисбатини кўрсатади ва ниҳоят, сўз туркумининг уйғунлашуви ва синтактик вазифалари уларни янада ойдинлаштиради.

Биз сўз туркумларини мустақил ҳамда ёрдамчи (notional and functional or structural) қисмларга бўлиб ўрганамиз. Мустақил сўз туркуми экстралингвистик феноменларни, яъни нарса, ҳаракат, сифат, хиссиётни: ёрдамчи сўз туркумлари сўзлар ва гаплар ўртасидаги алоқа ва боғлиқликларни билдиради. Мустақил сўз туркумлари гапда маълум вазифаларига эга: эга, кесим, аниқловчи, тўлдирувчи ёки хол бўлиб келиши мумкин. Бу сўз туркумларига қуйдагилар киради: от, сифат, сон, олмош, феъл, равиш, модал сўзлар, ундов сўзлар, холат категориясини билдирувчи сўзлар. Ёрдамчи сўз туркумлари сўзлар ёки гаплар ўртасидаги боғлиқлик (алоқа)ни ёинки сўз ёки гаплар маъноларини ифодалайди. Улар ҳеч қачон гапда мустақил сўз туркуми вазифасида кела олмайди, шунинг учун ҳам ёрдамчи сўз туркумлари деган номни олишган ва улар қуйдагилардир: - предлоглар, -боғловчилар, -юклама, - артикль.

Кўпгина лингвистлар бир томондан отлар ёки феъллар, иккинчи томондан предлоглар ёки боғловчилар каби сўз туркумлари ўртасида фарқ борлигини таъкидлашади.

В.В.Виноградовнинг таснифига кўра рус тилида от, сифат, олмош, сон, феъл, равиш ва холат категориясини сўз туркумлари деб аташ керак, чунки бу сўзлар “номланувчи вазифани тўлдира олади ёки номлар эквивалентларини кўрсаткичи бўла олади”. Бундан ташқари у яна туртта сўз юкламаларини айтади: атокли юкламалар, боғловчи юкламалар, передлоглар ва боғловчилар.

Сўз юкламалари биз мақсад қилаётган ном вазифасини рад этади. **Table** ва **after** каби сўзларнинг табиати ўртасида маълум фарқ бор. Бириси нарса предметни номласа, иккинчиси алоқани кўрсатади. Бироқ иккаласи ҳам “номланаётган вазифани тўлдира олади”⁴.

⁴В.Виноградов. Русский язык. М.1947 стр.41-44

Relation, attitude каби отлар, belong, refer каби феъллар ҳам алоқани кўрсатади, бироқ фақат ўша сўз туркумига оид хусусиятда. Ўз навбатида предлоглар ва боғдовчилар реаллик дунёси алоқасини кўрсатади.

Ю.Найда “**boy, fish, run, walk, good, bed, against, with** ва каби сўзларни табиий ва маданий феноменаларнинг турли объекти, сифати, жараёни, ҳолати ва алоқаси” деб ёзганда, отлар, предлоглар, ўртасида фарк йўқлигини таъкидлайди⁵. Х. Суит эса “тўлик” ва “бўш” сўзлари бирлигини таъкидлайди. “The earth is round” гапини ёзиб у “the ва is” каби сўзларни биз шаклий сўзлар деб атаймиз, чунки улар шакл типигаги сўзлардир, деб ёзади⁶. Кўпгина муаллифлар сўзларининг вазифаси хақида ўз асарларида гапириб ўтишган. Д.Браун, С.Браун ва Д.Бейлилар эса ёрдамчи феъллар, предлоглар ва артикларни ёрдамчи сўзлар (functional words) деб аташади⁷. В.Жигадло, И. Иванова, Л.Иофик предлоглар, боғловчилар, юкламалар ва артикларни мустақил сўз туркумларидан фарқли ўлароқ ёрдамчи сўз туркумлари деб атайди⁸. Ч.Фриз эса сўз туркумлари деб номланувчи 4 та сўзлар гуруҳини ва ёрдамчи сўз туркумлари деб аталувчи 15 та сўз гуруҳларини таъкидлаб ўтади⁹.

Ёрдамчи сўзлар билан бошқа сўзлар ўртасидаги фарқ ноаниқ бўлиб қолганини юқоридагилардан билса бўлади. Баъзан фарқ сўз туркумлари ўртасидан, баъзан бирор сўз туркуми ичидан ажратилиши қийин бўлиб қолган. Предлоглардан ташқари ёрдамчи феъллар ҳам назарда тутилган. Ёрдамчи сўз туркумларидан ташқари грамматикачилар, масалан феъл каби маълум бир сўз гуруҳини функционал ишлатиш хақида сўз юритишади. Ю.А.Крутиков эса ёрдамчи сўзларни ярим мустақил (semi-notional) деб юритади. Унингча предлоглар, боғловчилар, артиклар ва юкламалар ярим мустақил сўз туркумларидир. Уларни (semi notional parts of speech) деб мустақил сўз туркумлари билан қарама-қарши қўяди.

⁵А.А.Нида Morphology. Ann Arbor. 1946. P 138.

⁶H.Sweet. A new English Grammar, Logical and Historical. Oxford. 1974. p58

⁷J.Brawn, S.Brawn, D.Baley. Form in Modern English. N.Y. 1958.

⁸Иванова И.П.и др. Теоретическая грамматика современного английского языка. М.1986. ⁹Fries Ch. American English Grammar. N.Y.L.1940

Улар (semi notional parts of speech) нималарни бириктириши қуйидагича берилади: а) ўзларининг умумий ва қиёсий ҳамда лексик маъноларини, б) ўзларининг инкорий ажратилганлиги, изоляцияланганлиги в) уларнинг мажбурий кўп томонлама (артикл, юклама) ёки икки томонлама (предлог, боғловчи) бирикмаларини д) боғлаш вазифалари (боғловчилар, предлоглар) ёки махсус сўзлари (артикллар¹⁰, юкламалар)ни бирлаштиради. Табиийки юқорида қайд этилган инглиз сўз туркумлари тизими унчалик англари даражада эмас. Агарки сўз туркумларининг юқорида қайд этилган баъзи жиҳатларини ҳисобга олиб, баъзиларини ҳисобга олмаслик кўз ўнгимизда ўзга тасаввур пайдо қилади. Шундай қилиб сўз туркумларининг асосий хусусиятлари деб уларнинг грамматик категорияларини олсак, унда Х.Свит ва О. Есперсонлар қилгандек равишни, предлогни, боғловчини ундов сўзларни ва юкломани бир синфга ёки гуруҳга бирлаштирар эдик. Х.Свит от, сифат, сон, феъл, ва юкломаларни ўз даврида замонавий инглиз тили сўзларининг гуруҳига киритган¹¹. О.Есперсон эса субстанция, сифат, феъл, олмош ва юкломаларни киритган¹².

Сўз туркумлари (notional words) ва юкломалари (seminotional words) ўртасидаги фарқ бир неча йиллар мобайнида рус тилшунослари томонидан бирикувчи сўзлар (combinations of words) дан сўз бирикмалари (word-combinations)ни фарқлаш учун қўллана билинган. Сўз бирикмаси (word-combination) ибораси тор маъноли бўлиб, фақат камида икки сўзларни ўз ичига олиши керак. Шундай қилиб, **on the table** сўзлар бирикмаси (combination of words) лекин сўз бирикмаси (word-combination) эмас, чунки бу ерда фақат битта мустақил лексик маъноли сўз **table** бор. Сўз туркумлари тизими тарихан ўзгарувчандир. Тил ривожлангани сари янги сўз туркуми кириб келаверган. Эски инглиз тилида ҳолат категорияси, артикллар, модал сўзлар йўқ бўлган, бироқ янги инглиз тилида булар ўз ўрнини топган. Бирор тилда қанча сўз туркумларини топмайлик, барибир луғат бойлиги эса кам эмас. Грамматика эса уларни кичик қиёсий

¹⁰Khaimovich B.S. Rogovskaya. A course in English Grammar. M. 1967.p92-96

¹¹H.Sweet. A new English Grammar. Logical and Historical. Oxford. V.I.p56

¹²O.Jespersen. Essentials of English Grammar. N.Y.1939. p66-69

бир нечта лексик-грамматик гуруҳлари, суз туркумлари ёки қисмларга бўлади. Бирор сўз туркуми одатда кичик лексик-грамматик гуруҳларга бўлиниши ҳам мумкин. Бу кичик бўлиниш сўз туркумларини ажратиб туришга хизмат қиладиган уша бир хил тамойилларга асосланиши мумкин. Келинг, тасвирлаш йули орқали бир томондан **boy, friend** ҳамда иккинчи томондан **boyhood, friendship** отларини таққослаб кўрайлик. Бу сўзлар ташкил этиб турган барча лексемалар инглиз от лексемалари хусусиятларига эга. Бироқ бу отлар уюшиқ бўлақлар эмас. Улар лексик-грамматик маънога эга бўлган “субстанция” остида бирлашган, бироқ **boy** ва **friend** “саналадиган субстанция” **boyhood** ва **friendship** “саналмайдиган субстанция” ни билдиради. **Boy** ва **friendship** лексемалари тўрт аъзолари парадигмага эга, **boyhood** ва **friendship** эса атиги биттагина парадигмага эга. Бу сўзларнинг бирикувчи, гарчанд сезиларли даражада бир хил бўлсада маълум бир фарқга эга эмас. **Boyhood** ва **friendship, boy** ва **friend** дан фарқли ўларок сонлар билан бирикув шакллари эга эмас.

1.2. Феъл семантикасини таҳлил қилишда майдон назарясининг қўлланилиши.

Лингвистик таҳлилнинг асосий мақсадларидан бири бу таҳлил жараёнида хар бир нарсанинг моҳиятини шу нарсанинг ўзига ўхшаш, айни вақтда ундан фарқли ва хатто унга зид бошқа нарсалар билан бўлган муносабати орқали оча олишга қобил бўлишдир. Тил бирликларнинг ўхшашлик (paradigmatic) қўшничилик (syntagmatic) ва поғонали (hierarichal) каби асосий муносабат турлари уларнинг моҳияти хақида батафсил гапириб ўтмасак ҳам бўлаверади. Чунки мазкур диссертацион ишнинг олдида қўйилган вазифалар жумласига кирмайди. Тизим қонуниятлари билан тилни система сифатида ўрганиш усуллари билан танишишдан мақсад эса инглиз тилидаги харакатни билдирувчи феъллар семантикасини чуқур ўрганиш ва мазкур маънони ифода этувчи лексемаларни систематик нуқтаи назардан ўрганиш йулларини белгилаб олишдир.

Лексемаларни тизим сифатида ўрганишдаги асосий мезон уларни ўзаро ички муносабатлар асосида муайян каторларга, гуруҳларга, тур ва туркумларга, катта – кичик парадигмаларга

(ўхшашлик қаторларига) бирлаштиришдир. Шундай қатор, гуруҳ, тур ва туркумларда- лексемаларнинг ўзаро шакл ва мазмун муносабатларида хар бир лексеманинг, лексема қаторларинг, гуруҳларнинг моҳиятини, табиатини билиш, аниқлаш мумкун бўлади. Лексемаларнинг ўзаро муайян ўхшашлиги фарқи ва зидлиги каби маъно муносабатлари асосида бирлашган гуруҳлари эса лексик система ёки луғавий система деб юригилади. Луғавий система (Vocabulary system) ҳам, барча тил тизимлари каби поғонали (иерархик) қурилишга эга бўлади. Яъни луғавий тизимнинг ўзи мураккаб, бир неча таркибий қисимларинг бирикишидан ташкил топади. Хар бир таркибий қисм эса ўз навбатида мураккаблиги билан ажралиб туради. Бинобарин буларнинг хар иккиси “дастлабки ва охириги” ҳам мураккаб бўлиб, бу жараён алоҳида, якка сўзгача давом этади.

Тил луғат таркибини тизим тарзида ўрганиш янги нарса бўлсада бу йўналишда харакатлар аввал ҳам мавжуд бўлган. Қуйида биз бу масаланинг қиска тарихи билан танишиб чиқамиз. Сўз маъноларини тизим сифатида яъни майдон ёки бошқа турли лексик-семантик гуруҳ каби тушунчалари ёрдамида гуруҳлаш эски семантикага оид ходиса. Тил луғат таркибидаги бу каби гуруҳлар уларнинг қандай деб номланишидан қатъий назар, яъни улар анонимик каторми, синонимик каторми, тематик гуруҳларми, булар ҳаммаси лексик ёки семантик майдон деб аталиши бир тушунчанинг турли кўринишларидир. Лекин одатда “майдон” атамаси сўзларнинг анчайин қатта гуруҳига нисбатан қўлланилади.

Турли тадқиқодчилар тил луғат таркибининг тизимий характерига турлича ёндашганлар ва ўз нуқтаи назарларига кўра турлича майдонларни топанлар. Шу нуқтаи назардан уларни қуйдагича гуруҳлаш мумкин.

М.М.Покровскийнинг майдон назаряси. 1890 йилда рус олими М.М.Покровский¹³ тил луғат таркибини тизим тарзида ўрганиш вазифасини ўз олдига мақсад қилиб қўяди. У уч мезон асосида майдонларни белгилайди.

¹³М.М.Pokrovskiy. Machina. Eine Semasiologische Skizze. Indo-Germanische for Stungen. N.1931. p49.

- 1) тематик гурухлар (бунда сўзлар бир тасаввур доираларига мансуб бўлади)
- 2) синонимия;
- 3) морфологик алоқалар.

М.М.Покровский томонидан аниқланган майдонлар одатда иш-харакатни бажарувчилар номи, иш қуроллари номи иш-харакат турлари, ҳамда янада мураккаброқ муносабатлар асосида алоқадор бўлиши мумкин. “Ўхшаш тасаввурлар” тизимини бу тилшунос ижтимоий ва хўжалик ҳаётининг турли ҳодисалари тизимлари билан боғлайди.

Лексик майдонлар назариясининг кейинги кўриниши немис тилшуноси Иост Трир¹⁴ томонидан яратилган бўлиб, 1931 йил майдон назариясига аниқлик киритиб, уларни лексик ва тушунчалар майдонига ажратишни тавсия қилади. Тушунчалар майдони бу марказий тушунча атрофига марказлашган, ўзаро бир-бирига боғлиқ тушунчаларнинг кенг тизимидир. Лексик майдон қандайдир бир сўз ёки унга сўзлар боғлаш ёрдамида ясалади. Лексик майдон тушунчалар майдонинг фақат бирор бир қисмини ташкил қилади, қолган қисми эса бошқа бир лексик майдон томонидан қопланади.

Ифода планида тушунчалар майдони мазаика ташкил этувчилардан тузилган бўлади. Й.Трир луғат таркибини турли рангдаги бирликларнинг иерархик тизими шаклида берди-ки, энг юқори рангдан энг қуйи рангача, яъни алоҳида бир сўзларга бўлди. Бу тизимда сўзга бўйсинувчи роль берилган. Й.Трир томонидан ишлаб чиқилган принципга кўра тил луғат таркибини ўрганишни моддий дунё предметларига қарши қўяди. Бу концепция тилшуносликдаги бошқа йўналиш вакиллари томонидан қаттиқ танқид остига олинади. Кейинги майдон назарияси В.Порцигга тегишли бўлиб, у 1934 йилда тўлиқ шаклланиб бўлган. В.Порциг ўз назариясини яратишда шу нарсага эътибор бердики, ўзбек тилидаги “ушламок” инглиз тилида “to hold” ёки “to grasp” феъллари тилда “кўл” деб номланган отнинг бўлишини тақазо этади. Лекин тескари алоқа мавжуд эмас,

¹⁴Lost Trir. Der Deuche Wortschatze im zimbetzirc ferstandes. Die Geschichte Eines Sprashliges Feldes. V.I. 1931. Htidelberg.

яъни кўл билан факат ушламайди, балки бошқа кўп иш-харакатларни бажариш мумкин. Мана шу асосида В,Порциг тилда “элементлар симангик майдонлар” ни топдики, уларнинг ядроси хар доим феъл ёки сифат бўлади, чунки бу сўз туркумлари хар доим кесим вазифасини бажаради.

МАСАЛАН:

To hold- a hand	ушламок – кўл
To bark- a dog	хурмок -ит
To wink – an eye	қисмок -кўз
To bite –teeth	тишламок -тиш
White -hair	оқарган – соч

Кейинги пайтларда бу каби майдон назаряси тилнинг чукур ёки қуйи семантик структураси асос бўлиб хизмат килади.

Лексик майдонларнинг мавжудлигининг узи тилда сўзларнинг бир-бири билан боғланишида нутқда айникса якқол намоён бўлади. У турлича характерга эга ва тип сифатида умумлаштиришга йўл қўяди. Энг кучли боғланишлар “Порциг майдони” га тегишли сўзларга тегишлидир. Бу ўринда нутқда феъл ёки сифатнинг келиши мос келувчи отнинг қандай бўлишини олдиндан айтиб бериш имконини беради.

Масалан: **where is it barking ?, what is singing?, I can't bite it.-** *Қаерда вовилляпти? (ит хакида) сайраётган нима? (қуш) Мен буни тишлай олмаяпман (тишим билан).*

Айрим холатларда эса сўз маъносини пайқаб олиш мумкин бўлган хеч қандай белги топилмайди ва келадиган сўзнинг маъносини айтиб беришнинг имкони бўлмайди.

Масалан:

Боши.....(осмонга)етди
Тарвузи.....(кўлтиғидан) тушди
Оғзи.....(қулоғига)етди
Бир.....(ёқадан) бош чикармок
(тишини) қайрамок

Куйдаги жадвалга эътибор беринг;

№	Феъллар	Бор кучи билан	Секин аста	Чин юрак дан	Жони борича	Корнига сикқани ча	Юраги-ни хо-вучлаб
1	Югурмоқ	+	+	-	+	-	+
2	Ашула айтмоқ	+	+	+	-	-	-
3	Севмоқ	-	-	+	-	-	-
4	Куллаб кувватламоқ	-	-	+	-	-	-
5	Овкатланмоқ	-	+	-	-	+	-
6	Кўрмоқ	-	+	+	-	-	-
7	Курмоқ	-	-	-	-	-	-
8	Эсмоқ	+	-	-	-	-	-
9	Гапирмоқ	-	+	+	-	-	-
10	Тепмоқ	+	+	-	-	-	-

Бу жадвалда “кучли” тушинчасини билдирувчи, “жуда” сўзларнинг синонимлари келтирилган.

Сўзнинг бирикиш фактларининг йиғиндиси унинг дистрибуциясини ташкил қилади. Юкорида келтирилган жадвалда ўзбек тилидаги ўнга феълнинг олти равишга нисбатан тўла дистрибуцияси берилган. Лекин булар у ёки бу феълнинг дистрибуцияси тўлик берилади, дегани емас. Чунки феъллар турли отлар билан боғланганда уша отнинг хусусиятидан келиб чиқган холда турли маъно кўринишдарини намоиш этиши мумкин. Масалан: куйдаги мисолларимизда рус тилидаги бир сўз инглиз тилларига турлича таржима қилинади.

- 1.Человек идет –a man is walking -бир одам кетаяпти
- 2.Трамвай идет- tram runs (tram moves) -трамвай кетаяпти
- 3.Время идет-time flies (time passes) -вакт утаяпти
- 5.Снег идет-snow is falling -қор ёғаяпти
- 6.Шляпка идет-the hft is becoming -шляпа ярашди
- 7.Фильм идет –the film is on -кино бўлаяпти
- 8.Смена идет-generation to come -келажак авлод
- 9.Кровь идет-blood circulates -қон айланмоқда

10. Дым идет-the smoke is coming out -тутаяпти(тутун чиқаяпти)

11. Слухи идут-rumors spread -миш-миш тарқалди.

Худди шу каби ингилиз тилида “to die” феъли турли позицияларда турлича маъно билдириши мумкун. Масалан, to die -ўлмок, вафот етмок, халок бўлмок, бандаликни бажо айламок, рихлат қилмок, нариги дунёга равона бўлмок, аждодлар хузурига отланмок ва х.к.-яъни to come to the end of the life. Кучма маънода эса- to die for smth - бирор нарсани жуда хохламок.

1. *to die for a drink*-узбек тилидаги (бирор нарса учун)“улиб турмок” иборасига мос келади, яъни оғзаки нутқда (узинг хам ўлиб турган экансанда) деган иборага тўғри келади.

2. *to die down*- кучини йўқотмок, *to lose strength*- кучдан қолмок, *become faint*- хушини йўқотмок

3. *to die away*- кучсизланмок, *become less strong*- хира тортмок, *less loud*- шаштидан қайтмок

4. *to die off, to die one by one*- бирма-бир кириб кетмок.

5. *to die out*- become extinct, *come to a complete end*- бутунлай қирилиб кетмок, қирилиб битмок.

1.3. Сўзлар мазмун гуруҳларининг функционал таҳлили.

Лексемаларнинг мазмун гуруҳлари ингилиз тили лексикалогиясининг энг зарур тушунчаларидан бири ҳисобланади. Лексемаларнинг мазмун гуруҳлари деганда, муайян бирлаштирувчи семаси асосида муайян гуруҳга бирлашувчи, айни вақтда фарқловчи семаларига кўра эса ўзаро фарқланиб, ажралиб турувчи лексемалар тушунилади. Том маънода, юқорида кўриб ўтилган маънодошлик қаторлари ва хусусан, мазмуний даражаланиш қаторлари лексеманинг мазмуний гуруҳларининг бир туридир. Биз фақат амалий қулайликлар, атама аниқлиги мақсадида маънодошлик ва даражаланиш қаторларини лексемаларнинг мазмун гуруҳларидан ажратдик. Лексемаларнинг мазмун гуруҳлари хилма-хил шакллар ва турларга

эгадир. Бундай турлардан бири маънодошлик ва даражаланиш қаторларидир. Хар бир маънодош қаторлар учун чегаралаш семалари эса фарқловчи семалар вазифасини ўтайди. Даражаланиш қаторларида эса даражаланадиган белги умумлаштирувчи сема, бу белгиларнинг турли даражалари (энг оз-озрок-оз, меъёрида-кўп-кўпрок-енг кўп)эса фарқловчи сема вазифасини бажаради. Ушбу қаторларни лексемаларнинг мазмун гурухларидан ажратишнинг асосий сабаби шундаки бу қаторларсиз ҳам жуда кўп турли туманликка эга бўлган лексемаларнинг мазмун гурухлари миқдор ва тур лексемаларнинг қонуниятлари аниқ белгиланган мазмун гурухларидан фарқлашдан иборат бўлади.

Лексемаларнинг мазмун гурухлари маълум бир умумий белги (умумийлаштирувчи семалар) (generalizing features) асосида лексемаларни маълум бир гурухга бирлаштиради. Ушбу лексемалар охангимизда мана шундай гурухлар сифатида яшайди. Нутқ эҳтиёжига, фикрнинг мазмун, мақсад ва шаклига кўра биз шу гурухлар ичидан керакли семани танлаб оламиз. Нутқ шароитига, нутқ иштирокчилари табиатига мос равишда бу лексемаларнинг хусусиятларини белгилаймиз ва маънодошлик қаторидан зарур лексемани маълум бир сўз шаклида нутқ фаолиятига чиқарамиз. Шунга кўра бир сўзни нутқда намоён қилиш учун онгимиз минглаб тенглаштириш ва ажратиш амалларини бажаради. Буларнинг барчаси тил воситаларининг ўхшаш гурухларидан зарурини танлаб олиш жараёнида бўлади.

Лексемаларни мазмун гурухларига бирлаштиришда уларни шундай белги асосида умумлаштириш лозимки, бу гурухга бирлашувчи лексемалар муайян сохага, муайян туркумга оид бўлиб, улар орасида ухшашлик жуда кўп, фарқ эса оз бўлсин. Мазмун гурухларини ташкил этувчи муайян лексемалар ўзига нисбатан катта бўлган мустақил гурухларга бирлаша оладиган лексемаларни ўз ичига олмаслиги керак. Масалан: ингилиз тилидаги кийим-кечаклар номлари мазмун гурухга кийим –кечак номларини атовчи - hood, block, cap, beret, boater, jacket, lapel, shorts, cardigan, fly, scarf, glove, blfser, briels, trunks, slig, pyjamas, suspenaler, west, skirt, culolte, sweater, shawl каби кўплаб лексемаларни киритиш мумкин эмас. Чунки бу лексемалар қатори, ҳақиқатдан ҳам шу белги асосида бирлашади. Аммо улар ўз

навбатида бир неча ички нисбатан тор доирадаги гурухларга ажралади.

Ўзбек тилида масалан кийим –кечак номларини камида 5 та мазмун гурухига ажратиб ўрганиш керак.

- 1) «Бош кийимлари» мазмун гурухи (бурк, дўппи, таки, телпак, калпок, каллапуш, кулох, салла, шляпа, шапка.....)
- 2) «Ич кийимлар» мазмун гурухи (иштон, лозим, кўйлакча, сийнабанд, чумилгич, нимча, майка)
- 3) «Устки кийимлар» мазмун гурухи (кўйлак, яктак, тун, пўстин, чакмон, ёпинчик, шим. шалвар, пальто, костюм, ёмғирпуш)
- 4) «Оёқ кийимлар» мазмун гурухи (пайпок, этик, махси, кавуш, калиш, туфли, чорик, шиппак)
- 5) «Ўрагичлар» мазмун гурухи (рўмол, қийик, белбоғ, тасма, пешонабанд, пайтава, камар)

Ингилиз тилидаги кийим – кечак номларини билдирувчи сўзлар гурухини юқоридаги мазмун гурухларига кўра ўрганиб чиқамиз.

- 1) «Бош кийимлар» мазмун гурухи (hat, hood, black, sombrero, cap, beret, earfleps, boater)
- 2) «Ич кийимлар» мазмун гурухи (brassiere, pantie –girdle, pantie – corselette, suspender, vest, briefs, ligts, slig, bikini, paul, trunks, long johns, braces)
- 3) «Устки кийимлар» мазмун гурухи (shirt, frill, jacket, trousers, waistcoat, tapel, jeans, denims, shorts, pullover, overall, blazer, trenchcoat, poplin coat)
- 4) «Оёқ кийимлар» мазмун гурухи (boots, shoes, stocking, sportshoes, walking –shoes)
- 5) «Ўрагичлар» мазмун гурухи (scarf, neckerchief, shawl, craval, tie, tow – tic)

Ўзбек тилидаги хайвон номларини аташга хизмат қиладиган лексемалар хар бири бир неча мазмун гурухларини ташкил қилади. Жумладан Р.Сафарова фақат уй хайвонларини атамалари орасида қуйдаги гурухларни ажратади.

- 1) Қорамол мазмун гурухи (сигир, бузук, тана, гунажин, хўкиз, еухли, буқа, наввос, говмиш)

- 2) От мазмун гурухига (от, бойгал, бия, айғир, саман, йурға, ёбу, тўрик, жийрон, бедов, тибичок, той)
- 3) Қўй мазмун гурухига (қўй, қўчкор, қўзи, хисори, араби, меринос)
- 4) Эчки мазмун гурухи (эчки, така, серка, улок)
- 5) Ит мазмун гурухига (ит, бурибосар, този, гуржи, кучук)
- 6) Эшак мазмун гурухи (эшак, моча, хўтик)
- 7) Товук мазмун гурухига (товук, хўроз, макиён, жўжа)
- 8) Чўчка мазмун гурухи (чўчка, тўнғиз, кобон, мегажин

Тахлил шу нарсани кўрсатиб турибдики, ўзбек тилида хайвонларни номлаш умумий номга эга бўлиб, бу ерда асосий кўзга ташланадиган белгиларни уларнинг жинси ва ёшу қарилиги бўлиб чиқаяпти.

Умумий номлар	Эркак катта ёшдаги	Урғочи катта ёшда	Эркак ёш	Урғочи ёш	Бичилган хайвон номи
Sheep-қўй	Ram-қўчкор	Ewe-совлик	Lamb-қўзи	She-lamb-қўзи	Wether-қуй
Cattle-корамол	Ох-бука	Cow-сигир	Bullock-новвос	Heifer-гунажин	Bull-хўкиз
Swine-чўчка	Boat-тўнғиз	Sow-чўчка	Pight-чўчка	Shoat-чўчкача	-
Dog-ит	Stag-dog-эркак ит	Bitch-канжик	Pop-кучук	Whelp-кучук	-
Cat-мушук	Tom-cat-бароқ	Puss-мош	Pussy-мушукча	Pussy-мушукча	-
Donkey-эшак	Ass-ханги	She-ass-моча	Foal-хўтик	Foal	steed
Horse-от	Horse-бойгал	Mare-бия	Stallion-той	Colt	Steed

Инглиз тилидаги хайвон номларини аташга хизмат қиладиган лексемаларни тахлил қилсак биз бу ерда жинс, ёшдан ташқари яна бир неча аниқлаштирувчи семаларни топамиз. Масалан, улар “бичилган”, “бичилмаган”лари, “биринчи мартда жуни қирилган пайтигача” ва ундан кейинги ёш даври каби белгилар пайдо бўлади. Бундан ташқари инглиз тилида ёш хайвонларга уларнинг жинсига қараб турлича ном берган. Аммо ўзбек тилида эса хайвонларнинг

ёшлик пайти учун “жинс” семаси нейтрализацияга учрайди. Масалан, инглиз тилида эркак жинсли кучук - *pop* деб аталса, ургочи кучукча эса - *whelp* деб аталади. Бошқа хайвонлар учун ҳам худди шу картина такрорланади. Ўзбек тилида бу каби белгилар унчалик муҳумга ўхшаб туйилмайди. Энди hozирда айтилган ва айтилмаган фикрларни мисол билан бойитиш мақсадида 1 –жадвални тахлил қиламиз.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги уй хайвонларини номини билдирувчи сўзларнинг қиёсий тахлили. Бундан ташқари бу хайвонларни билдирувчи бошқа сўзлар қатори ҳам мавжуд, яъни:

Dog –hound –house-dog –watch-dog –sheep-dog –sporting-dog –fancy-dog –lap-dog (ит –овчи ит –уй ити –қўриқчи ит –подачи ит –пайгачи ит –декоратив ит –қўтариб юриладиган кичик ит)

Pig –swine –hog –shoat –sow (чўчка –чўчка –чўчкача -мегажин)

Ox –steer –bull –bullock –stot (бука –ёш хўкиз –хўкиз – новвос –ёш букача)

Sheep –ram –tur –tur-hog (қўй –қўй –қўй –қўй : биринчи жунини олгунга қадар)

Кўриниб турибдики, турли тиллардаги бир хил маънони ифодаловчи лексемаларнинг қиёсий тахлили ўша тиллар луғат таркибидаги ўхшашликлар, фарқлар, умумий ва фарқловчи жихатларини кўрсатиб бериши мумкин. Бу ўринда эса инглиз тили луғат таркибида бу маъноларни ифодаловчи лексемалар миқдор жихатидан устун экани кўриниб қолди.

Бизнинг тадқиқотимиз инглиз тилидаги фаол иш харакатни англатувчи феълларнинг функционал – семантик характеристикасини ўрганишга бағишланганлиги учун бу муаммонинг бошқа тилларда қандай ечим топганлиги билан қизиқишимиз табиийдир. Шу боис ишни ўзбек тилидаги феълларни қай йусинда классификация қилинишига бир назар ташлашдан бошлаймиз. Феъл семантикасини тасвирлаш қанчалик қийин вазифа эканини яхши англаш лозим бўлади. Бунинг боиси феъл мазмуни унинг дистрибуцияси (бошқа сўзлар билан бирикиш ва ўз ўрнига эга бўлиш қобиляти)га кўп жихатдан боғлиқлигидир. Шунини еътирофга олган холда биз бу ўринда феълларнинг ўзаро билдирган маъно йуналиши ҳамда улар алоқага

киришган субъект объектлар бор йўқлиги ва агар бор бўлса уларнинг миқдорига қараб классификация қилиб кўришга уриниб кўрамиз.

1. Тор маъноли бир йўналишли иш-харакатни билдирувчи феъллар:

- а) бир субъектли
- б) бир неча субъектли
- в) бир объектли
- г) бир неча объектли

2. Икки йўналишли кенг, кам фарқланадиган семантикали феъллар

- а) субъект –объект номи
- б) объект –субъект номи
- в) икки йўналишли юқори, семантик ўтимлиликга эга бўлган феъллар.

3. Номлаш (номинация) вазифасидан ташқари кўрсатиш (дейксис)¹⁵ вазифани ҳам бажарувчи феъллар.

4. Йўналтирилган иш харакатни билдирувчи феъллар

- а) узоқлашишни билдирувчи феъллар.(verbs of going)
- б) яқинлашишни билдирувчи феъллар. (verbs of coming)
- с) кўтарилишни билдирувчи феъллар. (verbs of rising)
- д) пасайишни билдирувчи феъллар. (verbs of descending)

Феълларнинг бундан ташқари англатган маъносига кўра қуйидаги классификацияси мавжуд.

- 1) Иш –харакат феъллари (actional verbs)
- 2) Жараён феъллари (process verbs)
- 3) Холат феъллари (statal verbs)
- 4) Аралаш маъноли феъллар (verbs of mixed semantics)

Бу классификацияларнинг ўзиёқ бу масалани қай даражада қизик, дозарб ва тилшунослик тараққётининг эртанги кунини белгилашда жуда муҳим эканлигини кўрсатиб туради.

¹⁵С.Рахимов. Проблемы дейксиса как категории типологический лингвистики. АДД.М.МИВП. 1990. стр 45

Тилшунослик бу масалаларни хал этишда лексемаларнинг қуршаб (contrast distribution) қўшимчалик (syntagmatic) муносабатлари, меъёрий ва ғайри меъёрий боғланиши лексемаларнинг бирикувчанлиги (valency) ва боғлик қуршов тушунчаларидан кенг фойдалинилади. Булар бир қаторда мазмун (ёки маъно) шунослик (semasiology) соҳасида қўлга киритилган улкан ютуқлардан – маънолар ўртасидаги тарихий боғланиш алоқадорлик усулидан хам фойдаланилади.¹⁶

Бунинг учун даставвал боғлик қуршов ва лексемаларнинг бирикувчанлиги (valency) тушунчалари билан чуқурроқ танишиб олишимиз керак.¹⁷

И.Қўчқортоев ўзбек тилидаги нутқ феълларини 8 та мазмун гуруҳига ажратади;¹⁸

- 1) (демоқ) феъли
- 2) гапирувчи феъллар (гапирмоқ, атамоқ, алжимоқ, мақтамоқ, тушунтирмоқ, исботламоқ, яқунламоқ, таъкидламоқ.....)
- 3) ифодалов феъллари (айтмоқ, билдирмоқ, таъкидламоқ)
- 4) талаффуз феъллари (бақирмоқ, ўшқирмоқ, қичқирмоқ, бигилламоқ)

¹⁶Рус тилшунослигида Апресян Ю.Д. Солнцев В.М. Пинхасов Л.Д. Расулов Р. Шерба Л.Б. Якобсон Р. Медникова Э.М. Уфимцева А. Арнольд И.В. Гинзбург Р.С. Арутонова Н.Д. Кубрякова Е.С. Трубачев Е.В. Караулов А.Н. Гак В.Н. каби олимларнинг ўзбек тилшунослигида эса Д.У.Ашурова. И.Қўчқортоев. Г.Г.Мусаев. А.Хожиев. И.Расулов. Х.Нигматов. А.Гулямов. Р.Кўнгуоров ва бошқаларнинг тадқиқотлари ана шу долзарб мавзуга оид ишлардир

¹⁷Ушбу масалада Канцельсон С.Д. Тенер А. Блох М.Я. Комлев Л.В. Рождественский Ю.В. Бурлакова В.В. Нурмонов А. Махмудов Н. Колшанский Г.В. Бархударов Л.С. Адмони В.Д. Москальская В.А. Лайонз Д. Чейф У. Филлмор У. Ва бошқаларнинг тадқиқотлари диққатга сазовор.

¹⁸Қўчқортоев И. Сўз валентлиги ҳақида. Ўзбек тили ва адабиёти.1973.3/326

5) субъектив ҳуқум феъллари (кесатмок, мақтамок, таърифламок, ёмонламок, чалғимок, ҳақоратламок, жеркимок, карғамок, саломлашмок, табрикламок)

6) нутқий даъват феъллари (буюромок, ундамок, тарғиб қилмок, таклиф этмок, чақирмок, қистамок)

7) симметрик нутқ феъллари (сухбатлашмок, гаплашмок, отамлашмок, хангомалашмок, чақчақлашмок, ўртоқлашмок, сирлашмок, дардлашмок, фикрлашмок, маслахатлашмок)

8) сукут феъллари (гапирмади, айтмади, индамади, чурқ этмади, тилини тиймок, жим бўлмок, ғинг демади, сукут сақламок, оғзига толқон солмок)

Мавзуга янада яқинроқ келиб Р.Расуловнинг ўзбек тилидаги ҳолат феълларининг классификациясини таҳлил қиламиз¹⁹.

-
- 1) Давомли ҳолат феъллари (турмок, ётмок, ўтирмак, қолмок)
 - 2) Ҳаракат натижаси бўлган ҳолат феъллари (тўхтамок, тинмок, тин олмок, (қош)қораймок, ёришмок...)
 - 3) Ижро ҳолати (сақламок, асрамок, қўриқламок, пойламок)
 - 4) Ҳаракатнинг ҳолати феъллари (кучаймок, қизимок, кўпаймок)
 - 5) Малака ҳолати феъллари (одатланмок, ўрганмок, куйинмок...)
 - 6) Обризли ҳолат феъллари (кеккаймок, оловланмок, чарақламок, олгинланмок)
 - 7) Биологик ҳолат феъллари (кексаймок, чанқамок, гулламок, қовжирамок)
 - 8) Физиологик ҳолат феъллари (ухламок, чарчамок, касалланмок, семирмок)
 - 9) Рухий ҳолат феъллари (қўркмок, завқланмок, ғазабланмок, уялмок...)

Лексеманинг мазмун гуруҳи маркази ва қуршови масаласи кўндаланг туради. Мазмун гуруҳлари икки қисмдан – асос ва қуршовдан иборат бўлади. Мазмун гуруҳи асоси, одатда бир нечта (2-5) лексемадан ташкил топади. Бу ҳолда ҳар бир лексема муайян маънодошлик ва даражаланиш қаторининг бош сўзи вазифасини ўтайди.

¹⁹Расулов Р. Ўзбек тили феълларининг семантик структураси. Т.1991.

Лексеманинг мазмун гурухи, қуршови эса бош лексемаларнинг маънодошлик ва даражаланиш қаторлари бирликларини, бу қаторларга кирадиган ва киритиладиган фразеологик ибораларни, ясама ва қўшма сўзларни лексемаларнинг сема турлари замини шу қатор мазмунига яқинлашадиган лексемаларни ва нихоятда соф нутқий маънодошларини ўз ичига олади. Улар миқдори майдон гурухи асосидан 20 -30 баравар ортиқ бўлади ва хашиша очиқ табиатга эга бўлади. Яъни янги бирликлар маъно нозикликлари билан тўлдирилиб борилади.

Маъно гурухларининг маркази катта барқарорликка эгадир; қуршови эса тез ўзгарувчандир. Маъно гурухи марказий лексемаси ҳар бирининг қуршови алохидадир ва табиатан шу лексема бош бўлиб келган шакилдошлик ва даражаланиш қаторларидан иборат. Маъно гурухи нисбатан барқарор ва жуда кенг, деярли чекланмаган ва ўзгарувчан қуршовлардан иборат эканлиги тилнинг ҳам барқарор, ҳам ўзгарувчан ижтимоий ходиса сифатида узоқ муддат яшашига имкон беради. Маънодошлик ва даражаланиш қаторларининг чекланмаганлиги эса ҳар бир нутқ сохибига у ёки бу маънони ифодалаш учун ўз нутқини хусусийлаштиришга деярли чексиз имкониятлар беради.

Лексема мазмун гурухи марказий жойлашган лексемалар бу марказда маълум тартиб, маълум зиддият асосида ўзаро барқарор муносабатларда бўлади. Бу зиддият ва муносабатлар турли – туман бўлади. Мазмун гурухининг ҳар бир аъзоси бошқа барча аъзоларига қатор семалари билан ўхшаш бўлиб, атиги бир икки сема билангина фаркланиб туради.

Лексема мазмун гурухида бош лексема бўлмаслиги ҳам мумкин. Бунда мазмун гурухи қурилишидаги бўшлиқ сезилади ва тил бундай бўшлиқни янги битта лексема ёки бошқа атов бирлиги (сўз бирикмаси) билан тўлдиришга интилади.

Лексема мазмун гурухи лексемалари орасидаги маъно алоқаларини ўрганиш даражаланиш (градономия), жинс–тур (гипонимик), бутун–бўлак(партономик), вазифодошлик (функционаномик) ва поганалилик (иерархиономик) каби маъно муносабатлари ажралиши мумкунлигини кўрсатади.

Гипономик (*hyponimic*) муносабатлар воқеликда, нарса, белги, хусусиятлараро жинс–тур боғланишлари сифатида кенг тарқалган. Бундай боғланишлар табиатда ҳам, ҳаётда ҳам, фанда ҳам кўп

учрайди. Масалан (дарахт) тушунчаси бор. Лекин воқеъликда умуман дарахт мавжуд эмас, воқеъликда унинг турлари тол, дуб, терак, қайроғоч, қайин ва х.з. Воқеъликда ва охангимизда бундай мавжудотлар бор экан, улар албатта тилда ўз аксини топган.

Бутун–бўлак (партонимия) муносабатлари ҳам воқеъликда кенг тарқалган бўлиб воқеъликнинг бевосита инъиқоси бўлган онгимизда оннинг шакли ва ифода воситаси бўлган тилда уз аксини топиши керак. Бунга мисол қилиб *tree –root, branch- leaf* лексемалар гуруҳини олиб кўрайлик. Бу гуруҳ ўзаро бутун –бўлак муносабатлари билан боғланган бутун бош лексема *tree* билан, бўлаклари эса (*root, branch, leaf*) лексемалари билан ифодаланади.

Вазифадорлик (*functional equivalence*) асосида тузилган мазмун гуруҳлари миқдоран оз бўлади. Улар санокли бўлиб, асосан от туркумида аниқланади.

Масалан; *pen, pencil*

2-боб. Харакат феълларининг функционал – семантик хусусиятлари.

2.1 Феълларнинг мазмуний қурилишига кўра классификация қилиш муаммолари.

Феъл семантикаси ёки бошқача қилиб айтганда феъл сўз туркумига мансуб сўзларнинг мазмун планини ўрганиш, уни тасвирлаш ва унинг тил системасидаги ўрни ва қийматига баҳо бериш қийин вазифа бўлиб келган. Бунинг боиси феъл мазмуни унинг дистрибуциясига кўп жihatдан боғлиқдир. Шунинг эътирофига олган холда биз бу ўринда феълларнинг улар билдирган маъно йўналиши ҳамда улар алоқага киришган субъект ва объектлар бор йўқлиги ва агар бор бўлса, уларнинг миқдорига қараб классификация қилишга уриниб кўрамиз.

1)Тор маъноли бир йўналишли иш харокатни билдирувчи феъллар.

А) бир субъектли

To braу, (ханграмок), (эшак хақида)

To neigh (кишнамок), (от хақида)

To ponder (сезмок), (от хақида)
To snore (хуррак отмок) (одам хақида)
To snort (хайвонлар хақида)

В) бир неча субъектли.

To tinkle (жирингламок) (қўнғироқчалар) ғичирламок (қор хақида) (торли асбобни) тингиллатмок (одам хақида).

To live, to die, to tremble (одам, хайвон, ўсимликлар нарсалар хақида)

С) бир объектли – to flatter “қўнғироқ”, ”унатмок”, ”эритмок” (аёл кишини), to mangle (уйланмок), to glare (номусига тегмок, аёл кишини)

Д) бир неча объектли – to wait (кутмок), to ignore (эътироз билдирмок)

2) Икки йўналишли кам, кенг фарқланадиган семантикали феъллар.

А) субъект –объект номлари -to fall, to splutter, to crimp, to fly, to drive, to sail

В) объект –субъект номлари – to break, to shake, to halt ва х.к.

С) икки йўналишли, юқори семантик ўтимлиликга эга бўлган феъллар – to take, to put, to set, to make ва х.к

3) Атов вазифасидан ташқари кўрсатиш, (дейктик) вазифасини ҳам бажарувчи феъллар.

Бу ерда кўрсатиш нисбий характерга эга.

Масалан; to arrive –етиб келмок

To depart - жўнаб кетмок

To come - келмок

To go - кетмок, бормок

Қуйдаги биз йўналтирилган иш – харакатни билдирувчи феъллар лексика-семантик гуруҳини кўриб чиқамиз.

А) узоқлашишни англатувчи феъллар (verbs of going); to go, to leave, to depart, to retire, to retreat, to quit.

В) яқинлашишни билдирувчи феъллар (verbs of coming); to come, to arrive, to reach, to near, to approach.

C) кўтарилишни билдирувчи феъллар (verbs of rising);to rise, to ascend, to mount, to climb, to soar.

D) пасайишни билдирувчи феъллар (verbs of descending); to descend, to alight, to dismount.

Маълумки бу классификация феълнинг маъносига кўра қилинган биринчи ёки охириги классификация эмас. Ингилиз тили феълларининг маъносига кўра классификациясини О.Есперсен қуйдаги тарзда амалга оширди.²⁰

1. Actional verbs (to eat, to breathe, to kill, to speak etc)
2. Process verbs (to become, to grow, to lose, to die)
3. Statal verbs (to sleep, to stay, to wait, to live, to undergo)
4. Mixed or ungrouped verbs (to resist, to hate, to favour)

Кўриб турганимиздек, Отто Есперсон феълларини тўрт гуруҳга бўлди.

- 1) Иш –харакатни билдирувчи
- 2) Жараёни билдирувчи
- 3) Холатни билдирувчи
- 4) Гуруҳсиз ёки аралаш маъноли феъллар

Бу кенг тарқалган классификацияларидан бири эди. Бундан ташқари феъл семантикасига қараб, ўтимли–ўтимсиз, чекланган ва чекланмаган, тўсиқли ёки тўсиқсиз, объектив –субъектив, ёрдамчи –боғловчи феъллар каби гуруҳларга ажраладики, уларга бу ўринда асос бўлиб грамматик хусусиятлар хизмат қилади. R.Lakoff феълларини икки гуруҳга бўлди. Статив ва ностатив (stative – nonstative)²¹. Ли феълларини иш харакат феъллари, воқеалар ва холатлар гуруҳига бўлинади. (Actional, Event, Statal verbs) (Lee, 1975) Р.Куирк²² феълларни икки гуруҳга бўлади;

²⁰Jespersen O. The Philosophy of Grammar. London 1935.

A Modern English Grammar 1909-1954 p1,5,560.London-Copenhagen.

Essentials of English Grammar N.U. 1939. p66-69.

²¹Lakoff R. Passive resistance. In Papers from regional meetings of the Chicago Linguistic Society. Chicago University. 1971. N.p149-162

²²Quirk R . Greenbaum S. a.o.A Grammar of Contemporary English. Lnd. Longman. 1972.p1120. Quirk R. .Greenbaum S. A University Grammar of the English Language. Lnd. Longman. 1975.p358.

а) динамик феъллар б) холатни билдирувчи феъллар. Бундан ташқари Л.Теньер (1959) У.Чейф (1975) ва Н.Д.Арутюнова (1976) классификациялари ўзининг ўзига хослиги, чуқурлиги, кўламнинг кенглиги билан машхурдир.

1) Статик феъллар	5) Фактитив феъллар
2) Динамик феъллар	6) Фазис феъллар
3) Актив феъллар	7) Модал феъллар
4) Ноактив феъллар	8) Модус феъллар
Каузатив феъллари	Перспектив феъллар

Булардан ташқари феъл маъно тузилишини ўрганиш ва уни мукамал ва тўлиқ тарзда классификация қилиш учун ҳаракат бир қатор тилшунослар томонидан амалга оширилади. Шулар жумласидан В.Г.Гак феълларининг қуйдаги семантик гуруҳларини беради²³.

Биз бу ўринда барча кўрсатилган турларга мисол келтириб ўтирмаймиз, чунки юқорида биз бу иш билан шуғилландик. Ҳозир эса юқорида кўриб чиқилмаган турларига бироз тўхталамиз.

- 1) Кузатув феъллар иш – ҳаракатни бажарилиши сабабчиси бўлган нарсани билдиради ; to make, to get, to have, to foru, to persuade
- 2) Фазис феъллар иш –ҳаракатни бошланиш, давом этиш ёки тугалланишни билдиради (to start, to begin, to commence, to continue, to finish, to end, to give up, to go on, to carry on)
- 3) Модал феъллар (can, may, must, ought, should, would, dare, need)
- 4) Модус феъллар гапириш, билиш, сезги, истак, субъектив муносабатни билдиради. (to say, to tell, to know, to inform, to feel, to notice, to like, to wish, to desire to want, to regret, to dislike, to love, to hate)
- 5) Перспектив феъллар маъноси келаси замонга йўналтирилган бўлади. Масалан ; to decide, to plan, to aim, to ask.

Инглиз тили феълларини ҳар томонлама, чуқур, уларнинг синтактик ҳамда лексик параметрларини инобатга олган ҳолда яратилган классификация Г.Г.Сильницкийга мансуб. У семантик белгилар ички дистрибуцияси назариясини ишлаб чиқди.

²³Гак В.Г. Сопоставительная лексикология М.1977.193стр. Семантическая структура слова как компонент семантической структуры высказаня. Семантическая структура слова М.Наука 1971. 230-239стр.

Уларнинг фикрича уша ички дистрибуцияси феъллар мантикий – моддий мазмунини тузади ва улар перифрастик йўл билан ифода қилинади. Масалан ;to advance – to move forward. Охир оқибатда Г.Г.Сильницкий феълларни уч гуруҳини тавсия этади²⁴.

- 1) Иш –харакатни билдирувчи феъллар. Буларнинг асосий белгиси воситасиз тулдирувчининг мавжудлиги.
- 2) Харакатни билдирувчи феъллар. Бу гуруҳнинг асосий характеристикаси феълнинг динамик урин холи билан алмашинуви.
- 3) Жараёни билдирувчи феъллар. Бу гуруҳнинг асосий белгиси юқорида эслатиб ўтилган икки дистрибутив белгининг йўқлигидир.

Бу ўринда шуни айтиб ўтиш лозимки, Г.Г.Сильницкий ишлатган “действия” ва “движение” сўзлари ўзбек тилига деярли бир хил таржима қилинади, яъни “иш – характер” ва “харакат” шунинг учун ўзбек тили ёрдамида юқоридаги фарқни бериш қийин кечади. Инглиз тилида эса “действия” – *action*, “движение” – *motion* тарзида берилди ва ҳеч қандай тушунмовчиликлар пайдо бўлмади. *Motion – to move* - феълдан *Action* эса *to act* феълдан олинган ва улар содир бўлиш интенсивлиги ва кўлами билан фарқланади.

Кейинги пайтларда феълларнинг семантик предикат сифатида ўрганишга катта аҳамият берилмоқда. Қуйида шу уринишлардан бирини кўриб чиқамиз.

- 1) Идиш тўлдирувчига йўналтирилган семантик предикатлар – *to fill, to cover, to decorate*.
- 2) Фақат суюқликлар, қаттиқ ва тўкилувчи моддалар билан ишлатиладиган феъллар ; *to pour, to put, to lay*.
- 3) Эришишни билдирувчи феъллар ; *to win, to get, to reach, to gain*.
- 4) Қуйишни билдирувчи феъллар; *to give, to put, to add*.
- 5) Маҳрум қилишни билдирувчи феъллар ; *to take, to unload, to uncover*.
- 6) Харакат феъллари ; *to go, to move*.
- 7) Холатни ўзгартирувчи феъллар *to change, to bend* .;
- 8) Давомли харакатни билдирувчи феъллар ; *to speak, to read, to drink* .
- 9) Холатни билдирувчи феъллар ; *to live, to sleep* .

²⁴Сильницкий Г.Г. Семантические и валентносные классы английских каузативных глаголов. АҚД.Л. 1974. 44стр.

Бу классификациянинг тахлили шу нарсани кўрсатмоқдаки, у сўздаги грамматик ва лексик унсурларнинг қурилма ичидаги ўзаро муносабатини умуман акс эттирмайди, ҳамда тил системаси воситаларининг синтаксис ва семантик актуализацияси жараёнини умуман инобатга олмайди. Лексемаларнинг айнан бу каби бир хил қуршовда қўллана олиши, мазмунан эса фарқланиб туриши тилшуносликда эркин қуршов (*contrast distribution*) дейилади. Эркин қуршовда ўзаро яққол фарқланиб турадигин тил birlikларининг мустақиллиги уларнинг омонимлиги энг кучли исботидир.

Юқорида тахлил қилинган шаклан ўхшаш, мазмунан хар хил бўлган мустақил лексемаларни (омонимларни) фарқлашда тилшуносликда қулай ва энгил усул – мантикий омилдан фойдаланилади, яъни шаклан ўхшаш birlikларни мазмун томони ўзаро боғлиқ, алоқадор бўлмаганда уларни мустақил тил birlikлари деб ажратилади. Юқоридаги гаплар таркибида ишлатилган сўзлар маъно қиррасига муносабат англатувчи ифода семаларига кўра ўзаро ажралиб туради. Ушбу тил бирикмалари қаторидаги лексема семемаларининг таркиби бир хил эмас. Уларда асосан аташ ва вазифа семалари бир хил аммо ифода семалари эса хар хил. Ифода семалари кўра бу лексик қаторнинг лексемаси заиф, белгисиз аъзо сифатида мавжуд. Нуткий маъно кўринишларини (вариантларини, хусусиятларини) тил семаларига (инвариант, бутунликлар, умумийликлар) бирлаштириш нихоятда каттий ва жиддий масаладир.

Тилшунослик ушбу масалани хал этишда юқорида кўриб ўтилган қуршов (*contrast distribution*), лексеманинг қўшничилик (*syntagmatic*) муносабатлари, меъёрий ва ғайримаъёрий бошланиш, лексемаларнинг бирикувчанлиги ва боғлиқ қуршов тушунчаларидан кенг фойдаланилади. Булар билан бир қаторда мазмуншунослик (*semasiology*) соҳасида қўлга киритилган улкан ютуқлардан маънолар ўртасидаги тарихий боғланиш, алоқадорлик усулидан ҳам фойдаланилади. Бунинг учун даставвал боғлиқ қуршов ва лексемаларнинг бирикувчанлиги (*valency*) тушинчалари билан чуқурроқ танишиб чиқишимиз лозим.

Мустақил лексемалар (семемалар) хохлаган қуршовда хатто айнан бир хил қуршовда кам кела олиши учун уларнинг қуршови

мустақил, эркин бўлади. Шу сабабли қуршовлар ўзаро зид бўлиб, ўзаро фаркланиб туриши ҳам, бир хил бўлиши ҳам мумкин яъни қуршови чегараланмайди.

Агар нутқий маъно турлари муайян қуршовда, яъни маълум санокли сўзлар доирасида воқеалаша олса, бундай қуршов боғлиқ қуршов деб юритилади.

Лексемалар барқарор (доимий, тургун) қуршовларда ҳам иштирок этади. Барқарор (доимий) қуршов шаклан ва қурилиши жихатидан бўлинувчан бўлсада, маъно, мазмун жихатидан тургун, бўлинмас тил бирлиги, алоҳида семема сифатида юзага келади. Шунинг учун барқарор (доимий, тургун) қуршовлардаги маънолар лексеманинг мазмун тузилишига кирмайди.

Тургун қуршовли лексема жихатидан алоҳида тил бирлиги бўлганлиги сабабли эркин ва боғлиқ қуршовли лексема билан шаклдошлик муносабатига кира олади. Масалан; *lion* (шер, арслон), лексемасидаги “*wild animal*”, ёки “*animal of pray*” ва “*brave*” (довюрак шерюрак, ботир) семемаларининг икки мустақил сема сифатида боҳолана олмасликларини бош сабаби шундаки, бу мазмуний турларининг орасидаги алоқадорликнинг боғланишини жуда яқинлигидир. Аммо шунингдек, семема турини тўла-тўқис нутқий маъно кўриниши деб баҳолаш ҳам мумкин эмас. Чунки у биринчидан “фақат нутқ” шароити билан эмас, балки мураккаб метафорик жараён - етакчи семемадаги бир қатор семемаларни четлаштириш ва бошқа бир қатор семемаларини кучайтириш, меъёридаги оддий семемаларни шу ҳисобда “кучли”, “шахсий”, “ижобий баҳо” семемасига алмаштириш асосида юзага келган. У нутқда жуда кўп маъно кўринишларига эга бўлиши мумкин. Шу боис семема (*lion*) семемасининг муайян, мазмун тури сифатида баҳоланиш ва тил босқичидаги бирлик деб қаралиши, луғатларда қайд этилиши мақсадга мувофиқдир.

(*well, good*) “яхши” сифат лексемасининг мазмун тизими таҳлилида семема таркибидаги вазифа семаларининг ўзгариши натижасида янги семеманинг - семема турларининг ҳосил бўлишини кўриб ўтамиз.

(*well, good*) лексемасининг асосий бош етакчи семемаси “*personal or general positive value*” дир. Аммо таркибидаги ифода семемаларини оддий (нейтрал) ва вазифа семаси гапда мустақил бўлак вазифасида кела олишидир. Нутқда **good**-сўзидан кейин фақат от келади. феъл кела олмайди.

Гапда маълум бўлак вазифасини ўташ вазифа семемасининг “муस्ताқил гап бўлиб келиш” ифода семаси уларнинг вазифалари таркиби орасида катта фарқлар бор. Чунончи “гапда маълум бўлак вазифасида келиши” семаси “гапда муайян бўлак бўлиб кела олиш” каби тур семаси билан аниқланиши (масалан; *now, then, suddenly, together, approximately, excudingly* ва хоказо каби равишларда “гапда хол вазифасида келиш” вазифа семаси ифодалангандир), ўзининг тескарисига ўтиши (масалан; соф предлог, боғловчи ва юкламаларда) ҳам мумкин. Муस्ताқил гап бўлиб келиш “семаси эса таркибан жуда мураккаб бўлиб, гапнинг барча грамматик категориялари маънолари (шахснинг борлик муносабати – майл маъносини, ҳуқумнинг нутқ пайти муносабати маъносини – замон маъносини, тасдиқ ёки инкорни, шахс ва сон маъноларини) ўз ичига олади. Шунинг учун сўзнинг кесим вазифасида тўлиқ ёки тўлиқсиз гап таркибида келиши билан унинг алоҳида гап бўлиб келиши орасида кескин фарқ бор.

Энди “*to break*” феълени таҳлил қилиб кўрайлик. Бу каби феълларда семантик объект ўз ўрнини синтактик субъектга алмаштириши мумкин. Лексик семантик вариантларнинг бундай деривациясининг натижаси турлича бўлиши мумкин.

- 1) “ Иш ҳаракат “ категориял симантикаси “жараён “ ёки “ҳолат “ маъносига ўзгариши мумкин. Бу ўзгаришлар формуласи бундай йуналишда бўлади;
 Make – become: bring – come to : effect –admit of being effected.
 To roll (V+/V) бурамоқ – буралмоқ, айлангирмоқ –айланмоқ.
 To clear (V+/V:) make clefr – become clear,(осмон хақида) тозаламоқ-тозаланмоқ.
 To burn(V+/V:) –make burn, become burnt – ёндирмоқ –ёнмоқ.

Жадвал №1

To break Феълининг семантик структураси.

№	Лексик – семантик вариантнинг тили ва маъноси	Белгининг семантик йуналишининг ономасиологик модели	Сўзлар семантик категорияси босқичидаги мантиқий семантик объект – субъект муносабатлари	Минимал синтагмаларда предмет отлашиши семантик мослиги
1	Объект АСВ (бузмок)	S V O	Саналадиган предмет ёки шахс устидан бузгунчилик, вайроначилик харакати	To break a plate To break a glass
2	Объект АСВ (йиртмок, узмок, ёрмок)	SVO	Шахс ёки кучларнинг нарсалар устидан вайронагарчилик харакати	To break water To break a thread
3	Объект АСВ (бузмок)	SVO	Шахс томонидан қоида, қонунларни бажармаслик харакати	To break the law To break the rule
4	Объект АСВ	V O	Жараён ва холат оқимининг бузилиши	To break silence To break monotony
5	Объект АСВ (издан чиқармок, раво кўрмок)	V O	Инсон рухий холатини бузилиши	To break one's health, spirits
6	Объект АСВ (ўргатмок, тўғриламок,	S V O	Объектда мавжуд бўлган ёқимсиз, керак-	To break beast, horse etc.

	чек кўймок, баргараф қилмок)		мас сифат, одатларга чек қўйиш)	
7	Объект АСВ Тарбияламок, чек кўймок, йўқотмок.	S V O	Инсонда мавжуд бўлган нокерак одат- ларга чек қўймок	To break kids of their obedience
8	Субъект АСВ (бошланмок)	S V O	Ходиса вақт оралигининг бошланиши	The war broke The law breaks
9	Субъект АСВ Синмок таслим бўлмок, абгор бўлмок	S V	Инсон хаётининг борбод бўлиши	His health will break
10	Субъект АСВ (ёриб чиқмок, отилиб чиқмок)	S V	Субъектини бир зумда бажаради- ган иш – харакати	Tears broke from his tears
11	Субъект АСВ (алокани узмок, чек кўймок, бас қилмок, йиғиштириб қўймок)	S V	Субъектнинг объект билан дўстона қариндошлик ва бошқа турдаги муносабатларни узиш.	He broke with his parents
12	Субъект АСВ (ёриб кирмок, ёрилмок, ёпирилмок, ўзини урмок)	S V Prep O	Субъектни бино ичида мақсадга йўналтирилган иш _харакати	They could not break into the room (house)
13	Субъект АСВ (бошланиб кетмок)	S V Prep O	Субъектни қўққисдан бирор-бир иш – харакатни тезлик билан бошлаб юборилиши	To break into laughter.

To fry (V+/V;) –to cook, undergo cooking “пиширмоқ – пиширилмоқ ”
To darken (V+/V:) –make or become dark, “қорайтирмоқ –қораймоқ ”
To settle (V+/V:) - establish or become established “ўрнатмоқ – ўралмоқ ”
To join (V+/V;) -1)put together 2) become member

1) қўшиб олмоқ

2) аъзо бўлмоқ

To shut (V+/:)-1) move (door, lid, lips) into position to stop aperture.

3)become or admit of being close. 1) ёпмоқ 2) ёпилмоқ

To finish (V+V;) – bring to an end – come to an end – тугатмоқ - тугалламоқ

To evaporate (V+/V;) –convert into vapour, become vapour,

буғлатмоқ - буғланмоқ

To feel (V+/V:) -plore by touch. Have sensation by touch

пайпасламоқ - сезмоқ

To spoil (V+/V:)- injure so as to render unfit

To become unfit – бузмоқ -бузилмоқ

To stop (V+/V ;)- bring to a stand, come to a stand : тўхтатмоқ –тўхталмоқ

Бу каби икки йўналишли объект –субъект феълларининг пайдо бўлишига асос бўлиб сўзнинг бош ва хосила маънолари ўртасидаги муносабатлар (мантикий), уларнинг феъл хоссаларига таъсири натижаси бўлиб чиқади. Бу ўринда феъллар инсон фаолияти турли соҳаларининг характеристикаси, одамларнинг жисмоний, физиологик, ахлоқий ва ақлий фаолияти ва эмоционал ва эспрессив ифода усулларини билдирувчи феъл маънолари бўлиб чиқади.

Худди шу мантикий конун асосида ва субъект – объект ономасиологик формула доирасида феъл хоссаларининг фақатгина категориал маъносига ўзгариб қолмасдан балки унинг конкрет лексик маъноси ҳам ўзгариши мумкин. Бундай ўзгариш натижасида субъект ЛСВлар феъл маъносини тўлдиришга хизмат қиладиган қўшимча адвербиал тўлдирувчилар талаб қилиши мумкин.

Масалан ;

To eat - объектЛСВ – to eat an apple - олма емоқ

Субъект ЛСВ – the apple eaten(well) -

To fish – объект ЛСВ - to fish a pond - ховузда балиқ тутмоқ

Субъект ЛСВ - the pond fishes (well) ховузда балиқ кўп

To taste - объект ЛСВ – to taste a pie -пирогни таътиб кўрмоқ

Субъект ЛСВ – the pie tastes nice - пирог ширин

To sell - объект ЛСВ – to sell newspapers - газета сотмоқ

Субъект ЛСВ – the newspapers sell like hot potatoes - газеталар иссиқ картошкадек кетмоқда

To kill -объект ЛСВ – to kill an animal - хайвонни ўлдирмоқ

Субъект ЛСВ – the animal kills good (yields much meat when killed) - хайвон кўп гушт беради

To feel - объект ЛСВ – to feel joy - шод булмоқ

Субъект ЛСВ – his dress felt tight - унинг куйлаги тор эди.

Симметриқ ҳаракат феълларига бундан ташқари; burst, crack, decrease, develop, divide, ease, explode, fill, hang, improve, shape, smooth, wake, worry, wreck феълларини ҳам киритиш мумкин.

Шундай қилиб объект - субъект феълларини семантик деривацияси конверсиялаш йўли билан амалга оширилади. Бу ҳолда 2 хил натижа кузатилиши мумкин.

Биринчи ҳолда фақатгина категориал семантикагина ўзгариб қолмай балки субъект ва объект ЛСВ ларнинг лексик маънолари ҳам бутунлай ўзгариб кетади, фақатгина семалар йигиндисига ўзгариб қолмай мантикий муносабатлар табиати ҳам ўзгариб кетади.

Мазкур ҳосса объект ЛСВ нинг семантик объекти субъект ЛСВ нинг семантик субъекти бўлиб, қолгач, у феъл томонидан характерланаётган ноактив мавжудот ёки нарсани билдиради.

The pond fishes well. Бу ерда у тўлиқ пропозицияни ва бу маъно фақат шу семантик конструкциядагина ифода қилинади.

Икки йўналишли субъект – объект феъллар лексика – синтактик деривациясининг иккинчи усули бу объект феълларининг ўзлик олмошлари билан ишлатилиши бўлиб, фанда у рефлексивизация деб аталади.

Объект феъл рефлексивлашганда у объект йўналишини олади, ўзлик олмоши билан ифодаланган синтактик субъектга мос тушади. Бу жараённинг натижаси турлича бўлиши мумкун. Бу гуруҳ феълларда индивидуал лексик маъно ўзгариши содир бўлмайди.

Бошқаларда эса янги ЛСВ пайдо бўлади.

Киёсланг :

1) Lodovico lowered himself slowly into his leather chair (stone 19)
” Креслога чўкди “

2) The master used both hands to raise himself to a commanding position over the boy. (кўтарилиш)

3) He brought the discussion back to himself ”ўзига олди “

4) Michelangelo could not bring himself to leave the palace. (stone 159)

Микельанджело саройни тарк этишга ўзини мажбур қила олмайди.

Кўп холларда олмошлар фақатгина ўзларининг асосий функцияларини бажарадилар ва бунда улар феъл хоссаларини ўзгартира олмайдилар.

To mesh (V+/ref) феълени кўриб чиқайлик.

1) Catch someone (bird) in net - Тўрга илингирмок

2) Catch oneself in net - тўрга илинмок

3) To get healthy again .to find (V+/refl)-

1) Ниманидир топмок

2) Ўзининг йўлини топмок

3) Кимнидир топмок

To marry - уйланмок, take a wife – хотин олмок, to walk - сайр қилмок, to take a morning saunter – эрталабки сайрни адо қилмок.

Икки йўналишли феълларнинг қуйдаги турлари бор:

1) Феъллик хоссасининг йўналишига кўра;

А) субъект – объект феъллар (run, come,)

В) объект – субъект феъллар (take, get)

2) лексика - семантик деривацияси турига кўра;

А) семантик субъектнинг паузацияси

В) семантик объектнинг тушириб қолдирилиши феъл томонидан англашилган иш – ҳаракатнинг касбий иш – ҳаракат каби хусусийлаштиради.

С) субъект феълнинг транзитивацияси, яъни семантик объектнинг курилиши.

Д) конверсиялаш, яъни семантик объектни синтактик субъектга алмаштириш, квази – пассив феъллар: объект ЛСВ феъллар; to saw – арраламок, субъект ЛСВ феъл admit of being sawn – арраламок

Е) конверсиялаш яъни семантик объектни семантик субъектга айлангириш;

To fish a pond – the pond fishes well.

To taste a pie – the pie tastes nice

Ғ) таркибида рефлексив олмошлари бўлган феъл – лексемали гапларда лексик, синтактик, семантик (номинатив) ва синтактик (коммуникатив) актлар орасидаги ўзаро муносабатларнинг турличалиги.

Масалан;

To prove somebody's guilt - кимнингдир айбини исботламок.

To prove oneself guilty - айби исботланмок, айбдор деб топмок.

Ж) Феъл индивидуал семантикаси ўзгармай туриб категориал маъносининг “иш – ҳаракат “ ва “ ҳолат”га ўзгариши.

Ҳаракатни билдирувчи феълларининг семантик хусуиятлари ҳақида гапирганда уларнинг бир тури – нутқ амали феъллари билан алоқаси ҳақида гапириб ўтиш жоиздир. Нутқ амали буйрук – илтимос, дарак–хабар, сўроқ, табрик, хитоб каби кўринишларга эга. Нутқ амалининг бу кўринишлари мақсад ва структура томонлардан ўзаро кескин фарқ қилади. Буйрук–илтимосни билдирадиган нутқ тури билан сўроқ ёки хитобни билдирадиган нутқ турларининг бир –бирига ўхшамаслиги бу фикрнинг ёрқин далилидир.

Нутукнинг функционал кўринишларини мустақил амаллар мустақил психик – физик актлар сифатида тасаввур этамиз. Нутқ фаолиятининг бу кўринишлари тилда ўз исмлари (ифодалар) системасига эга.

Нутқий даъват феъллари нутқ феъллари семантик майдоннинг бир қисмини ташкил этади. Бу феъллар кимнингдир бирор амалга, ҳаракатга ундаш, мажбур қилиш учун ишлатиладиган нутқ турларини

билдиради. Нуткий даъват феъллари маъносидаги ундаш, даъват қилиш элементи уларни феъллар қаторига киритиш имконини беради.

Каузатив сабаб – натижа муносабатини ўз ичига оладиган тушунча экани маълум. Фараз қилайлик семинар машгулоти ўтказаетган ўқитувчи студентлардан бирига;(сиз гапиринг)- деди. Бунга жавобан студент ўрнидан туриб сўзлай бошлади.

Бу лавхада биз сабаб – натижа муносабати билан ўзаро боғланган икки содда ситуацияни кўриб турибмиз;

- 1) Ўқитувчининг студентга гапиришини буюриши ва
- 2) Студентнинг сўзлаши.

Бу икки ситуациянинг биринчиси сабаб, иккинчиси оқибат - натижа.

Мазкур лавхадаги ситуацияларнинг каузация боғланишини *буюрмок*, (ўқитувчи студентга сўзлашни буюрди), *сўрамок* (ўқитувчи студентдан гапиришини сўради) каби феъллар билан ифодалаш мумкин. Бу типдаги феъллар ўзбек тилида анчагина. Каузатив даъват, каузация элементини кўрсатиш бу типдаги феъллар маъносининг фарқловчи (дифференциацияловчи) семасини ташкил этгани учун, бу феълларни, шартли равишда, нуткий даъват феъллари деб атадик.

Шуни айтиш керакки, каузатив муносабат ўзбек тилида морфалогик йул билан ҳам ифодалангани. Биз бу ўринда феълнинг кўзгатиш даражасини кўзда тутуяпмиз. Бу даража ёрдамида (Феъл оркали ифодаланган харакатни бажариш учун субъектни кўзгатиш, мажбур қилиш, ундаш каби маънолар) англашилиши маълум. Агар нуткий даъват феълларнинг маъносига юқорида берилган характеристикани эласак, уларнинг маъноси билан кўзгатиш даражасининг маъноси орасида маълум яқинлик, ўхшашлик борлигини пайқаш қийин эмас. Ўзбек тилидаги кўзгатиш даражаси маъносининг ўзига хослиги уни бошка тилларга хусусан рус тилига солиштирганда аниқроқ сезилади. Рус тилида бу даражага тўғри келадиган махсус граматик категория йўқ. Шунинг учун ўзбек тилидаги кўзгатиш даражасининг маъноси рус тилида нерегуляр (яъни лексик) воситалар ёрдамида берилади. Бундай воситалар қаторига *приказать, велеть, принудить, позволить* каби сўзлар киради.

Масалан;

Ақромжон..... кўпроқ бизни гапиртиришга.... ҳаракат қиларди.

(А.Каххор).

Ақромжон всячески старался заставить нас... говорить.

Кўринадик, каузатив муносабатнинг морфологик ифодаланиши ўзбек тилида феълнинг муҳим, регуляр хусусиятларидан биридир. Шундай экан, нутқий даъват феъллари маъносида каузация элементининг хошлигини тўғри тушиниш учун биринчи галда ўзбек тилидаги морфологик каузативнинг маъносига таққослаб ўрганмок лозим.

Юқорида берилган мураккаб каузатив ситуациянинг муҳум, зарурий элементларидан бири уқитувчидир. Уни **А** символи (агенс сузининг бош харфи), билан кўрсатамиз. Ситуациянинг зарурий элементларидан яна бири студент. Уни **П** символи (пациенс сўзининг бош харифи) билан кўрсатамиз. Мазкур ситуацияда ўқитувчи билан студент эмас, балки уқитувчининг буйруғи билан студентнинг гапириши ўзаро боғланган. Ўқитувчининг буйруқ бериш ҳолатини **S1** символи (лотинча статус// status сузининг бош харфи), студентнинг гапириш ҳолатини эса **S2** символи билан кўрсатамиз. Бу муносабатини **К** символи (каузация сўзининг бош харфи) билан кўрсатамиз. Тасвирланаётган ситуациянинг компонентлари булар билан чекланмайди, албатта. Воқеанинг қаерда содир бўлгани ўқитувчининг буйруғини қандай формада бергани, студентнинг нима тўғрисида гапиргани ва бошқалар ҳам мазкур ситуациянинг элементлари ҳисобланади. Лекин булар мазкур каузатив ситуация учун типик, зарурий компонентлар эмас. Булар ўзгарувчи факультатив компонентлардир. Шунинг учун ситуациянинг символик модели тўғрисида гапирганда бу элементларни назардан соқит қилиш мумкин. Келтирилган ситуациянинг символик модели қуйдагича кўринишга эга;
КСк [А][S1] [К] [П] [S2]

Бу ситуация ўқитувчининг гапи студентни сўзлашга (гапиришга) мажбур этди типидagi гапда ўзининг тўла, изчил ифодасини топади. Бу гапда ситуациянинг ҳар қайси элементига алоҳида лингвистик бирлик (сўз) тўғри келади ; агенс *ўқитувчи* сўзи билан, пациенс *студент* сўзи билан, пациенс ҳолати сўзламок

(гапирмок) сўзи билан каузация эса *мажбур этмок* сўзи билан ифодаланилади. Бу гапнинг семантик моделини символик равишда куйдагича кўрсатиш мумкин; [a][S1][n][S2][K]

Бу семантик моделнинг ўзбек тилидаги лексик – синтактик трансформациялари кўпинча морфологик каузативли конструкциялар ва таркибида нутқий даъват феъллари катнашган конструкциялардан иборат бўлади.

Энди мана шу икки хил конструкциялардаги морфологик каузатив, билан нутқий даъват феълларининг семантик хусусиятларини ўзаро таққослаб кўрамиз. Тасвирланаётган семантик моделининг морфологик каузативлик трансформацияси “**ўқувчи студентни сўзлатди**” кўринишига эга.

Бу конструкцияда семантик эллипсис юз берганини пайқаш қийин эмас. Каузатив ситуация элементларидан агенс, пациенс холати ва каузация мазкур конструкцияда (ўқитувчи, студент, сўзлатмок сўзларида) ўз ифодасини топган. Лекин унда агенс холати (каузация воситаси) нинг конкрет лингвистик ифодаси йўқ. Бундай эллипсиснинг юз бериши конструкция таркибидаги морфологик каузативнинг семантик табиатидан келиб чиқади.

Морфологик каузативли конструкцияда семантик таъкид асосан натижа холатга қаратилган бўлади. Шунинг учун каузация билан пациенс холати бир мураккаб амал сифатида тасаввур қилинади ва конструкцияда бирга ифодаланади. Буни символик равишда (S2 K) тарзида кўрсатиш мумкин. Келтирилган мисолдаги *сўзлатмок* феъли биринчидан пациенснинг маълум амал бажаргани, яъни гапирганини ва иккинчидан бу амални ўз ихтиёри билан эмас, балки бировнинг талаби билан бажарганини (яъни каузация актини) ифодалайди. Бундай пациенс холати билан каузация акти элементлари морфологик каузатив маъносининг таркибий қисмларини ташкил этишни англаш қийин эмас. Морфологик каузативли гапнинг семантик модели куйдагича кўринишга эга; [a] [n] [S2 K]

Морфологик каузативли конструкцияда семантик таъкид пациенс холатини ифодалашга қаратилган бўлиши юқорида кўрсатилади. Агенс холати (яъни каузация воситаси) элементларининг дискрет ифодаланиши бундай конструкция учун факультатив элемент хисобланади. Шу важдан каузация воситаси (S1) морфологик каузативли

конструкцияда кўпинча ифодаланмай қолади. Мисол учун “**Она ўғлини уйғотди**” гапини олиб кўрайлик. Бу гапда агенс (**она** сўзи билан), пациенс (**ўғил** сўзи билан), пациенс холати ва каузация акти (**уйғотмок** сўзи билан) ифодаланган. Лекин унда агенс холати (каузация воситаси) нинг дискрет лингвистик ифодаси йўқ. Морфологик каузативнинг маъносидаги агенс холати (каузация воситаси)ни кўрсатувчи сема абстракт характерга эга. Бу сема (кўзгатиш даражасининг маъноси) ёрдамида биз негиздан англашилган амалнинг бирон сабаб орқасида юз берганини билиб оламиз. Лекин бу сабабнинг нимадан иборат эканини мазкур гап таркибидаги лингвистик воситаларнинг биронтаси хам кўрсатмайди. Бошқача қилиб айтганда, бу сема типизланган, умумий(яъни семантик) валентликни билдиради. Бу валентликни конкретлаштириш, яъни морфологик каузатив таркибидаги сабаб абстракт семасини актуаллаштириш харгал махсус лингвистик элемент воситасида амалга оширилади. Агар агенс холати (каузация воситаси) ни кўрсатишга зарурат туғилса, биз уни тегишли сўз ёки сўз бирикмаси билан кўрсатамиз. Масалан; *Она ўғлини турткилаб уйғотди ёки она ўғлини чақириб уйғотди* ва хк. Тасвирланган каузатив ситуацияни энди нутқий даъват феъллари қатнашган конструкциялар ёрдамида ифодалаб кўрайлик;

Ўқитувчи студентга сўзлашни буюрди (ёки ўқитувчи студентдан сўзлашни сўради ёки ўқитувчи студентни сўзлашга ундади ва шу кабилар).

Агар нутқий даъват феъли қатнашган конструкция морфологик каузативли конструкция билан таққослаб кўрилса, улар орасида мазмун томондан принципиал фарқ йўқлиги маълум бўлади. Хар икки конструкцияда каузатив ситуацияларнинг зарурий элементлари ифодаланган. Лекин бу конструкцияларнинг ифода планида жиддий бир фарқ бор.

Морфологик каузативли конструкцияда каузация акти пациенс холати билан биргаликда ифодаланган булса, нутқий даъват феъл қатнашган конструкцияда каузация актив агенс холати билан биргаликда ифодаланган бўлади.

Модельдаги каузация акти билан каузатция воситаси (агенс холати)нинг биргаликда кўрсатилиши нутқий даъват феъллари маъносининг ўзига хослигидан келиб чиқади.

Нуткий даъват феъли қатнашган конструкцияда семантик таъкид сабаб ҳолатга, каузация воситасига қаратилган бўлади. Бунинг сабаби шундаки, каузация акти билан каузация воситаси (пациенс ҳолати) мураккаб бир амал сифатида конструкцияда биргаликда ифодаланади.

Бошқача қилиб айтганда каузация акти билан каузация воситаси (агенс ҳолати) элементлари нуткий даъват феъллари маъносининг таркибий қисмларини ташкил этади. Юқорида келтирилган мисолда буюрмоқ феъли студентнинг маълум амални (сўзлаш амали) бажаришга ундалганинигина эмас, балки, шу билан бир қатордаги унинг бу амални бажаришга қандай восита ёрдамида ундалганини (яъни нутк, гап ёрдамида ундалганини) ҳам билдиради.

Нуткий даъват феъллари қатнашган конструкцияларда семантик таъкид сабаб ҳолатига қаратилгани учун натижа ҳолатининг дискрет ифодаланиши факультатив характер касб этади. Нуткий даъват феълларининг маъносидаги пациенс ҳолати яъни натижа ҳолати (S ни) курсатувчи схема типиклашган умумий, абстракт валентликни билдиради. Бу валентликнинг конкретлаштирилиши ҳар гал эксплицит лингвистика воситалар ёрдамида амалга оширилади.

Хулоса қилиб айтганда, каузатив конструкция таркибида морфологик каузатив билан нуткий даъват феъллари функционал томондан бир-бирини тўлдирувчи лингвистик воситалар майдони ташкил этади. Морфологик каузатувда семантик таъкид каузация натижасига қаратилган бўлади. Шунинг учун конструкция таркибида каузация воситаси (сабаб)нинг дискрет ифодаланиши факультатив характер касб этади. Нуткий даъват феълларида эса семантик таъкид каузация воситаси (сабаб)га қаратилган бўлади.

Бу феъллар каузация натижасининг қандай амалдан иборат бўлиши мазкур феъллар учун семантик валентлик ҳисобланади. Масалан, буюрмоқ феъли пациенсининг қандайдир амални бажаришга даъват этилганини англатади, лекин бу амалдан иборат булиши *ёзмок*, *ўқимок* ва шу каби сўзлар ёрдамида кўрсатилади.

Ўқитувчи студентга ёзишни (ёки ўқишни....) буюрди каби.

2.2. Субъектив ҳаракат феъллари лексик семантикаси.

Субъектив феъллар деб гап таркибида фақат субъект билан боғланиган феълларни тушунамиз. Инглиз тилидаги субъектив феъллар традицион тилшуносликда “ўтимсиз феъллар” деб юритилади. Бу феълларнинг асосий хусусияти фақат чап томонлама боғланишга эга бўлиб фақат эга билан боғланиши ва тўлдирувчи ола олмаслигидир. Лекин кейинги пайтда олиб борилган таҳлиллар бу каби феълларни объектли феъллар гуруҳига тегишли кўп хусусиятларни ўзида мужассам қилаётганлигидан далолат беради. Бу ўринда биз ўтимлиликнинг икки кўриниши борлигини тилшунослар томонидан тан олина бошлаганини кузатамиз.

Ўтимлилик

Юзаки ўтимлилик

Қуйи (чуқур) ўтимлилик

Синтактик

Семантик

Масалан; 1) to walk – пиёда юрмоқ, сайр қилмоқ (ўтимсиз маъно)

3) To walk a steet – кўчада сайр қилмоқ

To walk a forest – ўрмонни кезмоқ

Бу ерда формал яъни синтактик ўтимлиликни кузатамиз аммо бу ерда семантик ўтимлилик йўқ, шунинг учун буларни ва шу каби қурилмаларни биз бу ишда қулайлик учун **сохта – ўтимлилик** деб атаймиз.

3) to walk a child – болани сайр қилдирмоқ, болани юргизмоқ.

To walk a horse – отни етакламоқ

To walk a dog - итни сайрга олиб чиқмоқ.

Юқоридаги каби динамик ва статик белгиларни билдирувчи феълларни қуйидаги лексика - семантик гуруҳларга бўлинади.

1) Фазода кўчиш маъносини билдирувчи феъллар; come, arrive, go, depart, flu ...

- 2) Инсоннинг жисмоний ва физиологик харакатининг номлари ва табиат воқеа - ходисаларни билдирувчи феъллар; nod, snore, sleep, live, die, slumber, drowse, peep, snow, rain, down, glimmer, glitter.
- 3) Холатнинг ўзгариши ва воқеа - ходисаларни билдирувчи феъллар; to become, to increase, to blossom, to boil, to ripen, to fade, to perish, to bloom, to chance, to happen. To flag, to forge...
- 4) Ақлий фаолиятни билдирувчи феъллар; think, judge, meditate, ponder, telly, contemplate...

Бу гуруҳга кирувчи кўпгина феълларда субъектив семантикадан ташқари объектив семантика ҳам мавжуддир. Бу имплицит семантика айрим ўринларда қуйи структурадан юза структурага чиқиши ҳам мумкун. Масалан;

To waltz – вальсга рақсга тушмоқ.

To polka –полькага рақсга тушмоқ.

To live a long life – узок умр кўрмоқ.

To laugh a hearty laugh – чин дилдан чиқариб қилмоқ.

1. Иш харакат + иш - харакатни бажариш усули.

А) (кулмоқ)ни турли кўринишини билдирувчи феъллар гурихи;

Giggle – laugh like an affected, ill – bred:

Litter – laugh in restrained

Smirk – (put on or wear) affected or silly smile

Fleer – laugh impudently.

Барчасининг умумий маъноси; (ахмоқона, беўхшов, жинниларча, тентақларча кулиш, ёқимсиз кулиш).

В) (қарамок)нинг турли кўринишларини ифодаловчи феъллар.

Gloat – feast eyes (or mind) lustfully,malignantly:

Gaze – look fi[edly:

Peep – look through nfrrow aperture:

Peer – look narrowly:

Pry – look inguisitively.

Буларнинг умумий маъноси (тикилиб, бақрайиб, кўзини лўк қилиб, безрайиб, синчковлик билан, биткўзлик билан, олайиб қарамок).

С) (юриш, харакатланиш воситаси, йўли) кабилар;

Scamper – run impulsively like frightened animal:

Grope - feel about as in the dark: lurch – lean suddenly to one side. Jcattle – hurry along: jcurry – run hurriedly. Totter –walk or stand unsteadily: Strut – walk with pompous or affectade gate: waddle –walk with rocking motion.

2.Иш – ҳаракат+ уни бажаришдан мақсад.

Мақсадга йўналтирилган ёки йўналтирилмаган иш – ҳаракатни билдирувчи феъллар семантик гуруҳи.

Stroll – go for fshort leisurely walk: wander – stroll from place to place without destination: prowl – go about in search of plunder or pray:

Rove – wander wwithout settled destination: saynter – wander without an aim gad – walk aimlenly.

Бу феълларнинг умумий маънолари (аниқ бир мақсадсиз, дайдиб, тентираб юрмок, бемақсад сайр, боши оққан томонга бормок).

Субъектив феъллар семантик субъект билан алоқада бўлганлиги туфайли уларнинг умумкатегориал семантика “жараёни” ёки семантик субъектнинг иш – ҳаракатини, уларнинг ҳолатини билдиради.

Масалан;

А) шахс томонидан бажариладиган иш – ҳаракат.

To sniff - Пишилламок,

To sneeze - Акса урмок,

В) но-шахс томонидан бажарилган иш – ҳаракатлар

To buzz - Визилмок (хашоратларга тааллуқли)

С) конкрет саналадиган предмет томонидан бажариладиган иш-ҳаракат ёки уларнинг ҳолати.

To throb, to thump - (юракнинг) уриши, дукиллаши

To scab - (терининг) турли тошмалар билан қоплангани.

Д) саналмайдиган нарса (ёки моддалар) томонидан бажариладиган иш – ҳаракатлари.

To drible – сизиб отмок (суюкликлар хақида)

Е) табиат воқеа – ходисаларининг содир бўлишини билдирувчи феъллар

To wind - эсмोक (шамол хақида)

To rain - ёзмोक (ёмғир хақида)

To sleet -ёғмок (майда хўл қор хақида)

Ғ) жонли предметларни ўзига жалб этадиган жараёнлар (шахслар ёки хайвонлар)

To live – яшамок

To sleep - ухламок

2.3 Объектив харакат феъллари лексик семантикасининг тавсифи.

“Феъл+от” бирикмалари тилшуносликда киритма “nesting” деб аталувчи бирикмалар таркибига киради. У.Вейнрейхнинг айтишича: Киритмали курилмалар ўтимлилик интуитив тушунчасини формал амалчисидир²⁵. (Объектли феълнинг семантик мос тушиши, яъни объект доирасига йўналтирилган аташ тизимида унинг мазмунини турли тўлдирувчилари турли мантикий муносабатларга асосланган бўлади). Феъл ва унинг тўлдирувчилари семантик бирикув

конфигурациясини яратганда турли хил белгилардан фойдаланиладилар. Бунда феъллик хоссалари семантик жихатдан бошқа белгиларни ўзига буйсундиради. Предмет отлари эса лексик маънони, яъни феълнинг индивидуал мазмунини тўлдиради ва минимал синтагманинг аъзосини аниқлаб беради.

Феълнинг ўзининг тўлдирувчилари билан бирикишидаги бу конуният феъл бошқарувининг мантикий асосини ташкил этади. И.И.Мешаниновнинг фикрича (иш-харавкат объект) мазмуний алокасида, (феъл қошидаги тўлдирувчилар нафақат грамматик балки лексик характеристика бўлиб қолади), у бошқача қилиб айтганда (боғлиқ тўлдирувчи) бўлиб чиқади²⁶.

Объектив феълларнинг бирикув формаси жуда кенг. Улар қуйдаги гуруҳларга бўлинади;

1. Таъсир категорияси.

1) объектнинг табиатини ўзгартириб юбормайдиган жисмоний таъсирини билдирувчи феъллар;

А) ўрнатмок, маҳкамламок: fasten, fix, attach, set, tie, apply, paste..

В) қуймок, жойлаштирмок – place, put, to lay

С) ташламок, сурмок, жилдирмок – carry, transport, convey, throw, hurl, fling

²⁵Вейнрейх У. Опыт семантической теории. В.кн. Новое в зарубежной лингвистике. Вып. X.M. 1981. 99стр.

²⁶Мешанинов И.И. Глагол М.1948

2) *Объектни жисмоний жихатдан ўзгартирувчи таъсирни билдирувчи феъллар:*

A) курмоқ, ясамоқ, яратмоқ - build, construct, frame, erect, fabricate, manufacture

B) шаклан бузмоқ, мажақламоқ - misshape, deform, disfigure, confor,twist, warp,truncate, distort, tear

C) бузмоқ, вайрон қилмоқ - destroy, wreck,abolish, demolish, ruin, annihilate, obliterate, erase, efface ect.

D) сарфламоқ - expend, spend,squander.

3) *Объектга буюрмоқ, фармон орқали ахборот жихатидан таъсир ўтказиш.*

A) буюрмоқ, фармон (топширик) бермоқ - order,command,decree,dictate, direct.

B) сўрамоқ, илтимос қилмоқ, ялинмоқ - request, ask, beg, demand, pray, crave, claim, enfreat, plead, imolore,ply, bid, appeal ect.

C) ташкил қилмоқ ўрнатмоқ - orgfnise, form, establish, arrange, construct, make

D) хайдамоқ, қувмоқ - expel, eject,elude, exile, banish etc.

4) *Объектга (одам, хайвонларга) эмоционал таъсир кўрсатиш; affect, scold, frighten, insult, annoy, excite, astonish, agitate ect.*

5) *одамларга ахлоқий жихатдан таъсир ўтказиш; қораламоқ, танқид қилмоқ, қўллаб қувватламоқ - approve, esteem, value, prize, appreciate, honour, accuse, depreciate, reprimand, rebuke, blamt, oblige ect.*

2. *Объект (нарса)лар муносабатда бўлишини билдирувчи феъллар категорияси.*

A) (нарса, хиссиёт, янгилик кабиларни) бермоқ, етказмоқ, (иссиклик, электр энергияси, ёруғликни) ўтказмоқ - give, deliver, transmirt, transfor etc.

B) харид қилмоқ, сотиб олмақ (нарсалар, ер ва х.к); эгаллаб олмақ (нарса, худудни); ишлаб топмоқ (пул) - buy, purchse, acgubre, gain, win, earn, obtain, procure, appropriate, inherit, receive, capture, seize, assault ect.

C) идиш цистерна ва шу каби турли хажимдаги нарсаларни тўлдирмоқ, ёпмоқ - fill, pour, loud, stuff,charge, lade, ship, close, plug, obstruct, shut etc.

3.Объектни тасаввур қилишни билдирувчи феъллар катигорияси

A) сўзлар ёрдамида жумлалар орқали - say, asserf, affirm,declare, proclaim, state, protest, profess, propose, pronounce.

B) объектни кўрсатиш, намойиш этиш йўли билан – show, represent, express, manifest, exhibit, expose, unfold, etc.

C) объектни чизмалар график ёрдамида тасвирлаш – print, write, denote, indicate, dash, note, mark, frace, underline, copy etc.

D) суръат, расм ёрдамида тасаввурни билдирувчи - draw, paint, picture, delineate, reproduce, illustrate etc.

E) имо – ишоралар ёрдамида фикрни ифодаламок – gesticulate, wink, glance,leer, shrug etc.

F) сахна ёрдамида ўз фикр – тасаввурларини ифодалайди – produce, act,perform, play, personate, stage, interpet etc.

J) хотира ёрдамида - editate, reflect, revise, remember, remind, memorise, recog nise, recollect, recall, retrace, commemorate.

4. Муносабатни билдиручи феъллар категорияси.

A) одамлар орасидаги ақлий муносабатларни билдирувчи феъллар – promise, complain, consider, blen, regret and etc.

B) одамлар орасидаги эмоционал муносабатлар – love, hate, enjoy, please, regret, etc.

C) нарсалар ўртасидаги эквивалентлик муносабатларни – qual, cost, weigh, balanct, etc.

D) нарсалар ўртасидаги қиймат хажм ва шу каби кўрсаткичлар бўйича ортиклик – камлик муносабати – exceed, excel, transcend, surmount, surpass, predominate, preponderate, overreach, override, ride, overlap, overshoot, outjump, outdistance, etc.

F) одам ва нарсалар ўртасидаги эгалик муносабатларини – have, own, possess, hold, etc.

J) Нисбий муносабатлар - belong, concern, fit, match, owe, suit, etc.

5. Хиссиёт ва ақлий қобилиятга жалб этишни билдирувчи феъллар категорияси.

A) кўриш –сезишни билдирувчи феъллар - look, behold, see, view, describe,espy,eye,survey, inspect,sight, etc.

В) эшитиб қабул этиш хусусиятини билдирувчи феъллар – hear, overhear,listen

С) кўриш ва ақлий хиссиётни билдирувчи феъллар – discern – perceive clearly with the mind or senses, perceive – apprehend with the mind or through or through one of the senses, especially sight, discover – disclose, expose to view, reveal, make known, exhibit, manifest, betray, suddenly realize, contemplate – gaze upon, view mentally, reflect – reproduce to eye or mind

Д) ақлий сезишни билдирувчи феъллар гурухи – think, meditate, ponder, contemplate, apprehend, conceive, cognize, understand, etc.

Е) бошқа сезги органлари томонидан сезиш - feel, scent,smell, taste, etc.

Объектли феъллар 2 гурухга булинади;

1) *Эксплицит маънони билдирувчи феъллар*

2) *Имплицит маънони билдирувчи феъллар*

Имплицит маънони билдирувчи феълларга қуйдагиларни мисол қилиб келтириш мумкин - to marry - уйланмок, турмушга чиқмок. Бу феълнинг объекти сифатида ҳам эркак, ҳам аёл жинсини билдирувчи шахс отлари чиқиши мумкин холос.

То marry(v+объект; жонли – аёл, вояга етган)

То woo - феъли бирор бир кизнинг орқасидан юрмок, унга уйланишга урунмок. Феъл объекти фақат аёл жинсидаги шахс оти бўлиши мумкин холос.

То woo (V + объекти+жонли+ шахс+ аёл+вояга етган)

“ to rare “ Феъли “to seduce” – феъли маълум бир кизнинг номусини булғамок, зўрламок маъносини билдиради ёки бу феълнинг иккинчи маъноси, ўз хохишига қарамасдан яқинликка эришишни билдиради.

То rare - (V + объект+ жонли+шахс+ аёл+вояга етмаган)

Бу икки феъл ўртасидаги фарқ объектнинг вояга етган етмаганлигидадир. Агар эга вояга етмаган кизни зўрласа бу “to rare “ феъли билан билдирилади, вояга етган киз ёки аёлни зўрласа “seduce” феъли билан ифодаланилади.

“to cuckold” феъли бирор бир эркакнинг аёлини якинликка олиб келишини билдиради. Бу ўринда кўпроқ эркак бу иш – харакатнинг бажарилишидан беҳабар бўлади, яъни to cuckold (V+объект+жонли+шахс + эркак + вояга етган + никоҳда турган) Бу ҳолатда эркак албатта никоҳ ҳолатида бўлиши керак.

“to flatter” эркаламок, эритмок, мақтамок, “to exile” сургунга жўнатмок феъллари ҳамда “to admire” завқланмок феъли экани имплицит ўтимли феъл бўлиб, уларнинг семантик структураси қуйдагичадир; (V +объект+ жонли+шахс+эркак+вояга етган) Умуман олганда, охириги икки белги нейтралзацияга учраши кузатилмокда деб айтиш ҳам мумкин. Айрим имплицит - ўтимли феълларнинг сема таркибидан кўшимча белгилар ҳам ўрин олган бўлиши мумкин; яъни инструмент, иш – харакат натижаси ва хоқозодир. Сема таркибининг энг соддаси элементдан иборатдир.

А) Иш – харакат + инструмент (қурол)

Clip (ўтимли феъл) - cut (something) with shears scissors, trim thus”

қайчи билан кесмок, қирқмок, қиймок, текслаб иймок

Iron (ўтимли феъл) – smooth(linen) with iron – чойшабларни дазмол ёрдамида дазмоллаш.

Slap (ўтимли феъл) – strike somebody with palm of hand – кимнидир тарсаги билан урмок

Key (ўтимли феъл) – fasten something with key, oin, bolf – калит билан маҳкамламок

Knee – touth (ground. Floor) with knee – тиз чўкмок.

В) Иш – харакат – иш – харакатни бажариш тарзи

Pare (ўтимли феъл) trim (thing) by cutting away irregular part “ кесиб текисламок ”

Jerk (ўтимли феъл) – cure (айниқса beaf ни) by cutting in long slices and drying in the sun – гўштни қуёшда қуритмок.

Gash (ўтимли феъл) – make long and deep flash, cut – чуқур кесиб олмок

С) йиғувчи - бўлувчи иш харакат ўлим натижаси .

Sheave (ўтимли феъл) gather (corn etc) into sheaves – бошокли экинларни гарамларга тўплаш, йиғиш.

Pod (ўтимли феъл) – drive seals into a pod – кит, моржларни подаларга тўплаш учун қувламок

Vale (ўтимли феъл) – make up into package merchandise – молларни текслаб териб чиқиш.

Clamp (ўтимли феъл) – pile (bricks) (potatoes) under straw, earch, turf - гўшт, картошка, ва шу каби молларни хашак, тупрок ва ер остига узок сақлаш учун ўра ғарам тарзида жойламок

Cock (ўтимли феъл) – hear, hay, rarely corn (хашак буғдойни ғарам қилиб жойламок)

Tress (ўтимли феъл) arrange hair in tresses - сочни майдалаб ўримок.

Hear – (ўтимли феъл) – pile things up together in a hearp – нарсаларни ғарам, тўп қилиб тўшламок

To arrange – маълум бир тартибда бир текис қилиб жойламок - arrange by driving into, by gathering into , by making into by pilling in etc.

Мангиқий алоқаларнинг бу тури N-V(ўтимли)- моделга мансуб семантик транспозиция билан маҳкамланган.

- 1) N- хиссмёт .V(ўтимли) - хиссиётни намоён қилмок
disquest – loating: disquest (vt) – exite loating.
- 2) N- модда , V+ - моддадан фойдаланмок;
soof – black substance: soof(v+1)- cover with soof:
- 3) N- одамларни жамловчи оти V- улар томонидан бажарилган иш – харакат .
police(n) – civil administration: police (v.t) – control by means of police.
- 4) N- курол восита Vt- ўша курол ёрдамида бажариладиган иш – харакаат
shovel (noun)- scooping implement for shifting (earth): shovel (V.t.) – shift with, or as with shovel.
- 5) N- вақт ўтиши ёки бирор бир ишнинг натижаси Vt- N ни пайдо қилувчи иш – харакат
schedule (n) – tabulated statement of detail:
schedule (vt) – make schedule of:
- 6) N- бўлишли иш – харакатнинг натижаси ёки жараёни
Vt- шундай иш – харакатнинг амалга ошуви;

section (noun) – separation by cutting, or part cut off, section(vt)-
divide in or bring of section

Бу жуда сермахсул восита бўлиб бунда семантик транспозиция йўли билан феъллар ясалади. Хозирги замон ингилиз тилида А.А.Уфимцеванинг берган маълумотига кўра²⁷ (1000 дан ортик нарса ва хосса номини билдирувчи отлар мавжуддир.

1) Иш – ҳаракат – жўнаб кетаётган узоқлашаётган объект;
Fray (утимли феъл) – strip off skin or hide of (терисини шилиб олмоқ тозаламоқ артмоқ)

Rind (vt) - to strip, remove bark (of tree, vegetables)- пўчоғини арчмоқ тозаламоқ

Husk (vt) – remove husk from – мевалар пўстини арчиламоқ

Burl (vt) – remove knots, clear of knots: матодаги гижимларни тугунларни қирқиб териш ташламоқ

2) Иш – ҳаракат – иш - ҳаракатни ўзида кечириётган объект

Soil (v.t) – feed (cattle) on fresh – cut green

fodder – қорамолни янги яшил ўрилган ўт – хашак билан боқмоқ

Fodder (v.t) – give fodder to – ем бериш боқмоқ

Plate (v.t) – cover something with metal – металл билан сиртни қоқламоқ

Tax (v.t) – impose tax on (subjects, citizens, commodity, land)- шахслар, фуқаролар, мол – мулк, ерга солиқ солимоқ

3) Иш – ҳаракатни – иш ҳаракат билан бажарилиш ёки иш – ҳаракат натижасида объектнинг жой эгаллайдиган ўрни.

Bury (v.t) – commit to earth, tomb or sea (corpse) – гўрга қўймоқ, денгизга чўктирмоқ (мурдасини)

Cote (v.t) – put (sheep, hens) in cote – хайвон, қушларни отхонага, товуқхонага ҳайдамоқ

Mew (v.t) – put hawks in cage – лочин, қирғийни қафасга жойламоқ.

Stove (v.y) – raise (plants) in stove - ўсимликларни иссиқхонада ўстирмоқ.

Бундан ташқари конверсия йўли билан ясалган семантик структураси 3 элементдан ташкил топган феъллар ҳам мавжуддир.

²⁷Уфимцева А.А Типы словесных знаков М. 1974.

Масалан;

To bottle - сақламоқ, шишага жойламоқ
To can - консерваламоқ
To garage - машинани гаражга жойламоқ
To basket - саватга солмоқ

Бу гурухга қуйдагича феълларни киритиш мумкин.

1) Иш –харакат – объект – қурол /восита

Gaff (v.t) – seize (fish) with gaff- балиқни чангак – билан тутиб олмоқ
Leister (v.t) – spear with leister – лосось балиқларини найза санчиш йўли билан тутиб олмоқ.
Seal (v.t) – stamp or fasten something with seal – мухр босмоқ, мухирламоқ, мухр босиш йўли билан махкамламоқ
Crown (v.t) – invest person with regal crown – кимгадир шохлар тожини кийдирмоқ
To mulch (v.t) – treat (newly planted trees) with mulch - янги ўтказилган кўчатлар томирига гўнг солмоқ.

2) Иш – харакат – объект – мўлжал

Onion (v.t) – rub (eyes) with onion to make them water – кўздан ёш оқизиш мақсадида унга пиёз суртмоқ.
Brandish –(v.t) – wave about, flourish (weapon, threat) as preliminary to action or in display – кимнидир кўрkitиш, дўқ – пўписа қилиш мақсадида унга қурол ўқталмоқ
Nudge (v.t) – push smb. With elbow to draw attention – кимнингдир диққатини ўзига жалб қилиш учун уни тирсаки билан туртмоқ.
Инглиз тилида яна шундай ўтимли феъллар борки, улардаги объект иш – харакат жалб этилган бўлса –да ҳеч қандай ўзгариш учрамайди.

Масалан;

To punish – жазоламоқ;
To posset – эга булмоқ, to limit – чеклаб қўймоқ
To ignore – эътироз билдирмоқ, рад қилмоқ
To rid – озод қилмоқ.

Бу гурухга be-, out-, over-, con-, im-, en- префикслари билан ясалган феъллар киради.

Масалан; bemoan – мотам тутмоқ

Outwit- чув туширмоқ

Overcome –енгиб ўтмоқ

Confirm – тасдиқламоқ

Impress - таассурот қолдирмоқ


Худди шу каби семантик структурага эга бўлган феъллар жумласига-ate, -fy, -en, -ize суффикслари билан ясалган феълларни ҳам киритиш мумкин.

Масалан; liberate - озодликка чиқармоқ , electrify - электирлаштирмоқ, liken - ўхшатмоқ, қиёсламоқ, disorganize - тартибни бузмоқ.

3 БОБ. Инглиз тилида феъл атамаларининг семантик деривацияси.

3.1 Икки йўналишли харакатни билдирувчи феълларни семантик характеристикаси.

Икки йўналишли харакатни билдирувчи феъллар атамаси билан (бундан буён ИЙХБ феъллар деб юритамиз) инглиз тилидаги феъллар таркибининг катта қисмини ташкил этади. ИЙХБ деб биз гап таркибида субъект хам объект билан ишлатила оладиган феълларни тушунамиз. Буни схематик тарзда куйдагича ифодалашимиз мумкин;



Икки йўналишли феъллар белгини билдирувчи отнинг семантик ва синтактик активатлаштириш синтагматик каторда ўзаро муносабатга киришуви оқибатида юзага келади. Шунинг оқибатида бундай феълларни икки йўналишга эга бўлиши лексеманинг аниқ – конкрет маъносига боғлиқ бўлади. Яна бир фактор сифатида пропозиция объект ва субъект ўртасидаги семантик муносабат ва улар эгаллаб турган синтактик позиция чиқади.

Бу феълларнинг пайдо бўлишини яна бир омили бу тилнинг грамматик қурилишининг ўзига хослигидир. Инглиз тилида феъллар ўтимли ва ўтимсиз гуруҳга ажратишнинг формал аниқ чегаралари бўлмасда, феъл шаклларининг бу омонимияси бу феъллар полисемиясининг ўзига хос кўринишига айланиб кетади.

Инглиз тилида феъл маъноларининг семантик деривацияси уларнинг тоза лексик хоссаси бўлмай, семантик ва синтактик ўтимлилик ўтимсизликнинг мос тушиши ёки мос тушмаслиги феъл маъносининг семантик – синтактик деривациясининг бутун бир қатор типларнинг пайдо бўлишига олиб келади. ИЙХБ феъллар хар бир гуруҳи семантикасини батафсил кўриб чиқамиз;

1. Субъект–объектли феъллар гуруҳи.

Номидан хам кўрииб турибдики, бу типдаги феъллар субъектив феъллар асосида пайдо бўлади. Субъект феъллар орасида каузатив маъно ифодалай оладиган ўзига хос гуруҳ мавжуддир. Семантик жихатдан ўтимсиз бўла туриб ва шундай колсалар –да, бу феъллар синтактик жихатдан ўтимли феъл сифатида хизмат килади. Бу ўринда уларнинг тўғри тулдирувчиси вазифасини семантик субъект бажаради.

Масалан ;

A kite flies – to fly a kite варрак учади –варракни учирмоқ

A ship – sails – to sail a ship кема сузади – кема(ни) суздирмоқ

A wardrobe stands – to stand a wardrobe - кийим жавони туради – кийим жавонини тургизмоқ

Бу икки қатор синтагмаларда феъл лексемаларнинг маънолари ўзгаради ва фарк сезиларли даражада бўлади.

Феъл лексикаси орасида (кариндош тўлдирувчи)га эга бўлган бир қатор феъллар мавжуд. Уларда объект бўлса хам улар ўзларининг субъект йўналишини йўқотмайдилар.

Масалан;

To laugh a hearty laugh – чин дилдан кулмоқ

To mouth words – оғзини тўлдириб гапирмоқ

To laugh lonelen chuckle – маъносиз пиқирламоқ
A live along life – узок умр кўрмоқ
To fight a terrible fight - дахшатли кураш олиб бормоқ

Худди шу моделга асосан қатор феъллар яратилдики, улардаги семантик объект мос келувчи феълларга (сифат репрезентацияси) маъносини беради.

Масалан ;

To nod one's approval – ўз розилигини, тастигини бош ирғаш ёрдамида ифодаламоқ.

To nod one's recognition – бирортасини таниган (тан олган)лигини тасдиқламоқ

To smile one's consent – мамнунлик билан кулмоқ, мамнунлигини табассум билан тасдиқламоқ

To laugh a day light sound – ўз розилигини кулги билан тасдиқламоқ

Бу гуруҳга яна квази (кўринишидан) ўтимли ёки сохта ўтимли феъллар ҳам киради. Буларда синтактик ва семантик ўтимлилик мос тушмайди, уларда семантик ўтимсизлик ва синтактик ўтимлилик бир жумла чегарасида дуч келади.

Масалан;

To rumble streets – кучаларда шовқин – сурон қилиб дайдиб юрмоқ.

To journey a land – мамлакат, ўлка бўйлаб саёхатга чиқмоқ.

To walk a forest - ўрмонда сайр қилмоқ, ўрмон оралаб бемақсад дайдиб юрмоқ

Харакатни билдирувчи феъллар семантик нуктаи – назардан камчиликка эга бўлган феъллар киради, чунки вазиятнинг тўлиқ характеристикасини бера олишга улар қодир эмас. Бунинг учун уларга фазовий ва вақт маъносини берувчи адвербиал модификатор (равишдан ифодаланган аниқловчи)лар талаб қилинади. Чунки улар ички семантик бирикиши борасидан четда қолади. Субъект феълларда категориал сема- субъектнинг (холати,жараёни) бўлса, объект феълларида динамик семантик белги (иш – ҳаракат,таъсир, яратиш) маънолари бўлади. Икки

йўналишли феълларда лексика – семантик силжиш семантик вариант томон амалга оширилади.

3.2 Фаол харакатни билдирувчи феълларда семантик каузация масаласи.

Каузация ҳам, ўтимлилик ҳам ўзбек тили ҳолат феъллари семантик структураси учун типик эмас. Ҳолат феъллари асосан, ўтимсизлиги билан характерланади. Бу ҳолат феълларнинг семантик структурасидан, ундаги динамик муайян ҳолат доирасидагина бошқа бирор предмет, денотант билан бевосита муносабатга кириша олмаслигидан, унга таъсир қилмаслигидан келиб чиқади. Вақт бундай ҳолларда ҳолатнинг давомийлигини кўрсатиб, унга таъсир қилмай ўтаверади.

Каузация ва ўтимлилик денотатлар орасидаги муносабатдан, таъсир қилувчи, билан таъсирланувчи константаларнинг мавжудлигидан, уларнинг логик корреляциясидан ҳосил бўлади. Каузацияда пациенс – объект субъект (предмет) таъсирида ҳолатни ўзига олади, ҳолатланади. Каузация субъект, объект ва статус константаларига эга бўлади. Улар орасидаги мантикий алоқадорлик, объектнинг ҳолатига эга бўлишида субъект таъсири каузация воситасининг активлиги (экстралингвистик факторларнинг, фактитивликнинг мавжудлиги кабилар) доминантлиги каузатив муносабатнинг зарурий, ноаниқ атрибутларидир.

Айтилганларга қарамасдан, ўзбек тили ҳолати феълларида каузация ҳам учрайди, лекин у имманент ҳодиса эмас, релятив характерга эгадир. Семантик каузативли ҳолат феълларнинг характерли хусусияти шундаки, булар нутқ фаолиятидан ташқарида ҳам нутқ фаолиятида олинганда ҳам маъносида каузатив маъносини ифодалайди. Биринчи ҳолатда каузатив муносабатини билдирувчи константалар онгимизда мавжуд бўлиб, улар потенциал имконият сифатида сақланади. Иккинчи ҳолатларда каузатив феълларда каузатив муносабатини бевосита ташкил қилувчиларнинг эксплицитлиги, дискрет лингвистик ифодага эгалиги билан характерланади. Каузатив ҳолат феъллари семантикасидаги ҳолат маъноси мантиқан пациенс билан боғланади. Бунда феълдаги ҳолатни ўзида ташувчи пациенс мавжуд бўлиб, бу ҳолат феъл маъносининг доимий, моддий компоненти билан боғлиқдир.

Каузатив феъл одатда, ўтимли бўлади. Аммо ўтимли феъл ҳамма вақт ҳам каузативга эга бўлавермайди. Каузатив бўлмаган ўтимли феълларда ўтимлилик объект билан боғланиб, холатнинг объектига ўтиши билан тугалланган, (масалан, кутмок, қопламок) каузатив холат феълларида (асрамок, бириштирмак) бирор натижанинг яъни холатга эга, холатли объектнинг субъект таъсирида муайян холатда ўтиши холатли бўлиш натижаси сифатида реаллашади. Чунки уни шу холатга ўтказган субъектнинг (предметнинг) роли, актив фаолияти–сабаб сифатида изохланади ва бу жараёнда каузацияловчининг таъсири доминантлиги билан характерланади. Объектнинг каузатор таъсири холатга ўтишда субъектнинг активлиги, доминантлиги биринчи даражали хисобланади. Объект эса холатни ўзига қабул қилувчи таъсирланувчи пассив элементга айланади, аммо у таъсирланувчи констанга сифатидаги пассив.

Каузация акти юз бергандан объект холатлашгандан, натижа акти реал юзага келгандан сўнг каузация объектли пассивлик доирасидан чиқиб, нисбий мустақилликка ўтади. Бундай холларда каузация объектнинг актив бўлиши, автономлиги фақат каузатив муносабатни, натижа актини ўзида синтезловчи ва бевосита ифодаловчи ягона констанга эканлиги билан изохланади.

Каузатив конструкцияда логик субъект – каузация воситаси таъсир қилувчи бўлса, логик объект ҳам таъсирланувчи холатга эга булувчи ҳам натижа актини ифодаловчи натижа объекти сифатида мавжуд бўлади. Бунда каузация таъсирининг объекти каузатив муносабатни ифодаловчи субъектга (предметга) айланади.

Бу жихатдан каузация пациенси каузатив конструкцияда натижа актини ифодалашда динамик куч, икки томонлама хусусиятга эга бўлган констанга, семантик доирасига кенг денотат, натижа акти, каузация таъсирининг тугалланган нуқтаси ва шу таъсирнинг натижаси сифатида юзага келган холатнинг рамзи информатори бўлиб реаллашади.

Каузатив конструкцияда субъектнинг активлиги, объектда натижа актини юзага келтириши субъектнинг истаги майли, хохиши фактивлик (психик фактор сифатида) ёки экстралингвистик факторнинг таъсирида юзага келади.

Объектнинг субъект таъсирида холатга ўтиши, холатли натижа бўлса, субъектнинг активлиги (фактивлик ёки экстралингвистик таъсир натижасидаги фаолияти) пациенсга таъсири сабабдир. Семантик каузативли холат феъллари каузатив муносабат нуқтаи назардан гапда натижа актини ифодаловчи бирлик сифатида катнашдилар. Улар сабаб ва натижа ўзаро диалектик боғлиқлик, мустақиллик оппозиция ташкил қилишни кўрсатади.

Семантик каузацияда натижа кўрсаткичи билан импликация воситаси каузатив холат феълларида синтезланади. Холат феълларидаги семантик каузацияда каузатив муносабат бир маъно структураси доирасида бўлади. Демак, натижа акти гапдаги семантик каузацияда холат феъли орқали ифодаланади. Натижанинг юзага келиши сабаби, каузация воситаси эксплицит ёки имплицит холда бўлади. Каузация усули формал, дискрит ифодаланмайди, аммо у объектив мавжуд бўлади. Унинг ўзида ташувчи денотатнинг қандай хусусиятга эгаллиги, нималиги нисбатан мавхум бўлиб, уни контекстан умумий тарзда, релятив аниқлаш мумкин. Бундай холларда каузация воситаси, натижа актини юзага келтирувчи константа каузатор- денотат сифатида ҳамма вақт реал булади.

Гап тузилишида диққат семантик таъкид натижа актига қаратилади. Чунки каузатив конструкцияли гапда ифодаланаётган фикрнинг асосий қисмини, мохиятини каузатив муносабатни англатувчи ташувчи сифатида гап тузилишининг энг зарурий компоненти – натижа акти хисобланади. Шунинг учун ҳам натижа константаси каузатив конструкцияли гапларда ҳамма вақт кўлланади.

Семантик каузативли холат феъллари қатнашган гапларда холатга эга объект унинг лингвистик номи алоҳида, реал ифодаланади. Бу объект – пациенс каузатив холат феъллари семемасидаги зарурий сема, семантик компанетлардан бири хисобланади. Шу сабабли каузатив холат феъли катнашган конструкцияда пациенснинг баъзан ифодаланмаслиги фақат формалдир, мантиқан у ҳамма вақт объектив характерига эга бўлади.

Семантик каузация холат феълларининг ижро холати образли, физиологик ва психик холат лексик – семантик группаларида ифодаланилади. Семантик каузативли холат феъллари бунда граматик кесим, баъзи равиш холи функциясида келади.

Ижро холати феъллари семантик каузацияга активлиги жихатидан холат феълига оид бошқа микросистемалардан фарқланади. Семантик каузациянинг ижро холати феълларида нисбатан активлиги бу феъллар семасининг (ижро) ва (холат) семаларига эгалигидан келиб чиқади. Бундаги холат ижро натижаси, субъект ижросининг холати бўлиб реаллашади. Ижро холатининг юзага келишида мотивловчи холат эса мотивланувчи хисобланиб, унда ҳам ижро ҳам холат синтезланади. Синтез кўрсаткичи, синтезатор каузатив муносабат нуқтаи назаридан натижа акти бўлади.

Семантик каузативли ижро холати феъллари; *сақламок, асрамок, паналамок, ўқталмок* кабилардир. Ижро холати феълларида каузатив муносабатнинг ифодаланашида каузатор – денотат грамматикага эга, каузация пациенси воситасиз тўлдирувчи сифатида мавжуд бўлади. Каузатив ижро холатида каузация воситаси шахс ифодаловчи сўзлар бўлиб, улар ижро холати феъллари объект валентлигининг антанглари сифатида изоҳланади. Ижро холати феъллари катнашган конструкцияларда объект валентлигининг актанглари эксплицитлигига кўра ҳам ахамиятлидир.

Мисол;

Хатларни Дилшод ҳеч кимга кўрсатмас, идорасидаги стол галадониди сақлар. (У.Назаров)

У бир кизни севиб, неча замонлар суратини кўкрагида асраган. (О.Матжон)

Баъзан ижро холати феълларида каузация субъекти (агенс валентлиги) ҳам, каузация объекти (объект валентлиги) ҳам гапда дискрит лингвистик ифодага эга бўлмайди. Бундай холларда логик мавжуд каузация субъекти ҳам, объекти ҳам, уларнинг табиати, махияти каузатив феъл (предикация) орқали нисбатан аниқланади.

Мисол;

Йигирма йил сақлади дилда. (Э.Вохидов)

Лекин бир патирни сақлайди хануз (Г.Нуруллаева)

Ўқталмок феъли ижро холати феълларидан валентлик хусусиятига кўра фарқланади.

У тилда хам нуткда хам объект валентлиги билан бирга адресат валентлигига эга бўлади. Бу каузатив феълнинг нутқ фаолиятидаги статуси актантларининг эксплицитлиги билан характерланади. Бундай холларда муайян холатдаги объект қаратилган предмет адресат валентлиги бўлиб реаллашади, синтактик воситали тўлдирувчи вазифасини бажаради. Феъл адресат валентлигининг актанти предмет ва шахс англатувчи лексемалар бўлади. Объект валентлигининг актанти, предмет билдирувчи сўз белгили воситасиз тўлдирувчи функциясида келади.

Мисол;

Баланд зинапоя устида ўттиз чоғли солдат милтққларини осмонга ўқталиб турар (М.Исмоилий).

Каузативли ижро холати феълларида баъзан каузация воситасининг реаллашмаган типи учрайди. Бунда феъл мажхул даражада келади, ўтимли феълдан ясалади; *Сақланмоқ*. Бундай холларда, таъкид, асосан, объект билан статусга қаратилади. Чунки мақсад объект ва унга хос энг характерли хусусият - холатни ифодалаш, билдириш, объект ва холат орасидаги мантқиқий, объектив мослик мавжудлиги объектив ҳақиқатни информация сифатида гап орқали беришдан иборат бўлади. Шунинг учун хам мажхул даражада объект билан холат улар орасидаги диалектик муносабатни бевосита англатувчи лингвистик бирликларгина гапда қатнашади. Шу сабабли асосий диққат бажарувчига эмас, балки бажарилиш доирасидан жараён сифатида чиққан, амалга ошган, натижа сифатида юзага келган холатга қаратилади ва бу натижа акти каузатив феъл маъносидаги реаллашади. Демак, бундай холларда мақсад объекти каузация субъекти эмас, балки натижа холат хисобланади. Каузация субъекти эса каузация воситаси реаллашган типдаги фарқли холда жуда кучсиз, реаллашмаган даражада бўлади. Шундай булса хам у мантқиқан абстракт холда сезилиб туради. Бунда натижа объектини билдирувчи суз предмет ифодаловчи лексема бўлиб, мажхул даражадаги каузатив феълнинг объект валентлигини ташкил қилади. Аммо объект валентлигининг ананти бош келишиқда келиб, формал агенс валентлигига ўхшайди. Лекин у холатнинг манбаи юзага келтирувчиси эмас, балки холат ўтган уни қабул қилган логик объектни

ифодалайди. Шунинг учун ҳам у ҳолат феълнинг объект валентлигини ташкил қилади. Бундай ҳолларда ифода плани эмас, мазмун плани (мундарижа) доминанти ҳисобланади. Каузатив ижро ҳолати феълнинг каузация субъекти реаллашмаган типда феъл объект валентлигининг актанги грамматик жиҳатдан эга бўлиб келади.

Мисол;

Бу хазилада инсон хуснининг бурданалари сақланади. (М.Исмоилий)

Бундай каузатив конструкцияларда ҳолатнинг манбаи, каузатор (агенс валентлиги) – логик субъект тикланса у воситали тўлдирувчи бўлиб реаллашади.

Семантик каузативли феъллар ҳаракатнинг ҳолатини лексик - семантик группасига оз бўлиб, бунда ҳолат ҳаракатнинг муҳим белгиси атрибути сифатида изоҳланади. Ҳаракат ва ҳолат ўзаро деалектик бирликни ташкил қилади.

Шуниси характерли, бундай ҳолларда контекстуал ҳодиса сифатида ҳолат феъли функциясида ҳаракат ифодаловчи *чўзмок* сўзи қўлланилади. Ҳаракат феълнинг ҳолат маъносинида келиши вақтинча, индивидуал нутқ фаолияти билан боғлиқ нутқий ҳодиса. Ҳаракат феълнинг ҳолат феъли вазифасида келиши шу феъл билан боғланиб, уни ўраб турган лингвистик қуршовга боғлиқ. *Чўзмок* ўтимли феъл бўлиб, ундаги ҳаракат препозициядаги сўз англатилган объектга ўтади. Ҳаракат ўтган объект – пациенс ҳаракат жараён маъносига эга бўлиб, *чўзмок* сўзи орқали шу ҳаракатнинг ҳолати ифодаланади.

Мисол;

Шунинг учун ҳам терговни атайлаб чўзди. (Х.Гулом)

Чўзмок феълнинг ҳолат ифодалашини унинг тергов лексемаси билан боғланиб аналитик конструкцияни ҳосил қилишдан семантик ва формал корреляциясидан келиб чиқадиган нутқий функционал ҳолатдир. Каузативли *чўзмок* феъли каузатор таъсирида объектда юзага келган натижа ақтини билдиради. Натижа каузациясининг зарурий давоми сифатида юзага келади. Каузация субъекти контекстда - формал берилмаган бўлса ҳам, у мантиқан шахс ифодаловчи сўз билан боғланиб грамматик эгага тенг келади.

Харакатнинг холати феълларида ҳам кузация воситасининг реаллашмаган типи учрайди. Феъл маъносининг актанги предмет англатувчи лексема бўлиб, холат феълнинг объект валентлигини ташкил қилади.

Мисол;

Гап анча чўзилди. (О.Мухторов)

Семантик каузативли феъллар образли холат феъллари микросистемасида ҳам кузатилади. Каузацияга эга образли холат феъл ясама бўлиб, дериват формант ёрдамида предмет англатувчи сўздан хосил бўлади. У предмет англатувчи от бўлиб, ясама феъл учун мотивловчи функция бажаради.

Мотивловчи сўз семантикасида холат маъносининг феълга хос хусусиятларининг, каузациясининг юзага келиши бевосита мотивловчи билан мотивланувчи орасидаги семантик корреляциядан хосил бўлади. Бунда мотивланувчи ясама холат маъносигина ифодаламасдан ўтимлиликни, каузацияни ҳам хосил қилади. Бундай феъл биргина жуфт феълдан иборатдир. Мисол; *кўз – кўзламок*;

Образли холат феълда каузация воситаси предмет англатувчи сўз бўлиб, экслицит холда синтактик жихатдан эга бўлиб келади. Каузация объекти ҳам предмет англатувчи сўз бўлиб, дискрет ифодаланиб, образли холат феъл объект валентлигининг актанги сифатида изохланади. У граматик жихатдан воситасиз тўлдирувчи функциясида келиб, тушум келишиги аффикси билан шакилланади.

Мисол ;

Навой номли театр атрофида, паркларда, боғларда атир гуллар уялиб, ранглар нафосатини кўз – кўзлайди. (М.Исмоилов)

Семантик каузативлик физиолигик холат феъллари лексик - семантик гурпада ҳам кузатилади. Булар ; *элитмок, чимирмок, ёшламоқ* кабилардир. Бу феълларнинг каузация воситаси ва каузация объекти шахс ҳамда предмет ифодаловчи сўзлар бўлиб, каузатор гапда эга, каузация пациенси белгили воситасиз тўлдирувчи саналади. Каузацияловчи ҳам, каузацияланувчи ҳам гапда лингвистик ифодага эга бўлади, баъзан эса имплицит холда бўлади.

Каузатив физиологик холат феъллари объект валентлигининг актанглари орган номи ва шахс англатувчи лексемалардан ташкил топади.

Мисол;

Сувнинг майинлиги тулкини кўзини элитади. (Шухрат).

Алам билан етган Барчинни иссиқ элитди. (Мирмухсин).

Каузативли физиологик холат феълларининг характерли хусусияти шундаки, каузатив муносабат каузация субъектининг ўзида каузация воситаси доирасида ундан ташқарига чикмаган холда юзага келади.

Масалан; *чимирмоқ, ёшламоқ* феълларида бу хол кузатилади. Бундай холларда каузация фоситаси хам, объекти хам субъектнинг ўзи булади. Яъни, каузация субъектининг таъсири унинг ўзига ўтади, субъект таъсиридаги объект, холатга эга пациенс шу субъектнинг кўз, кўл каби организмнинг таркибий кисимлари бўлади. Бунда субъект хам актив фаолият эгаси, хам физик ўзгаришни ўзида ташувчи реализатор бўлиб ҳисобланади.

Чимирмоқ феълида холат маъноси препозициядаги предметнинг харакати натижасида юзага келади. Бундай холларда физиологик холат субъектнинг экстралингвистик ходисага бўлган эмоционал муносабати бўлади. Чимирмоқ лексемаси билан семантик ва формал-грамматик муносабатга киришиб, орган харакатининг натижа актини кўрсатади.

Мисол;

Муаттар қошини чимирди. (А.Каххор).

Сап – сариқ қошларини чимирди. (О.Мухторов).

Ёшламоқ лексема - семамаси хам препозициядаги кўз лексема - семаси билан боғланиб, органнинг холатини англатади. Бундай холларда холат феъли ясама, мотивланган феъл сифатида изоҳланади. У хам отга *-ла* форматнинг кўшилишидан хосил бўлади. Демак, холат маъноси феъл ясалиши билан хосил бўлган, мантиқан ясама феъл маъносидан келиб чиқадиган хосила маъно бўлиб, бундаги холат тушунчаси муайян орган билан боғланиб, унинг холат атрибути сифатида гавдаланади.

Мисол;

Шунда сен келасан кўзингни ёшлаб.

(А.Орипов).

Психик ҳолат феълларида каузативлик камрок кузатилиб, улар субъект психикаси билан бевосита боғлиқ бўлган психиканинг таъсирланишидан, ундаги ўзгаришдан юзага келган рухий ҳолатларни ифодалайди.

Каузатив психик ҳолат феълларида каузатор - денотат ҳам, каузация пациенси ҳам предмет ифодаловчи лексемалар бўлиб, гапда формал, дискрет берилади. Каузация пациенси, каузатив феъл объект валентлигининг актанги тушум келишигини олиб, нутқ бирлиги сифатида воситасиз тўлдирувчи бўлиб реаллашади. Мисол;

Қалбимни ўртади аллакандай сас.

(А.Орипов).

Демак, семантик каузациянинг ҳолат феълларида ифодаланиши каузация воситасининг реаллиги ва дискрет лингвистик ифодага эгаллиги билан ахамиятлидир.

Каузация каузатив ҳолат феъли объект актангининг мавжудлиги ва доминанталиги билан белгиланади.

3.3Харакат феълларининг каузатив маънода ишлатилиши.

Инглиз тилида каузатив маънога эга бўлган ҳаракат феъллари гуруҳининг яккол намоёндалари сифатида; to cause, to bring, to made, to set, to effect феъллари кўзга ташланади. Буларнинг семантик структурасини таҳлил қилиб кўрамиз.

- 1) *To cause* – effect, bring, about, make (person) or thing to do or to be done.
- 2) *To bring* – cause to come, come with or conveying by carrying, leading. Impelling or attracting, cause, result in.

Шу нарсани унутмаслик керакки “*to bring*” феъли – предлоги равишлар ва тўлдирувчилар билан бириккан ҳолда кўплаб бирикмалар яратадики, уларда *bring* феъли каузатив маънога эга бўлган вербализатор вазифасини бажаради.

Bring into play – cause to operate:
 bring home to – convict, convince:
 bring into the world – give birth to:
 bring about – cause to happen
 bring under – subdue

bring down – cause penalty to
 bring low – become low
 bring on – cause discussion
 bring up – educate

3) to make феълнинг асосий туб номинатив маъноси *қурмок*, *ясамоқдир* (construct, game); *хосила* маъноси эса ярамок (compose), *тайёрламоқ* (prepare), каузатув лексик - семантик вариантлари эса куйдагилардир;

Make 1 – cause to exist, bring about.

Make 2 – result in,

Make 3 – to cause something to become a habit.

4) to set феълни жуда кучли функционал юкламага эга бўлган каузатив феъл деб айтиб бўлмайди. Унда фақат 2 та каузатив маъно ифодаланилади.

Set 1 – bring by placing: arranging, impelling or other means into special state:

Set 2 – make sit down, to task, cause to work.

**Харакат феъллари семантик структурасида
 каузативлик семасининг мавжудлиги**

	cause	bring	make	set	effect
Cause	+	+	+	-	+
Bring	+	+	-	-	-
Make	+	+	+	+	-
Set	-	+	+	+	-
Effect	-	+	-	-	+
Have	+	+	+	+	-
Get	+	+	+	-	+
Insist	+	-	-	-	+
Persuade	+	-	-	+	+
Let	-	+	-	+	+
Force	+	+	+	+	+

Жадвалдан кўришиб турибдики, каузациянинг энг идеал феъли деб факат *force* феълини айтиш мумкин холос. Уларга маъно кўлами ва функционал кўлланиш кўламига кўра киёсласак *to have* ва *to get* феъллари бироз якин келиши мумкин холос.

Куйидагиларга эътибор беринг.

To force (V.T.)- 1) use violence to, равиш.

2)constrain compel(person) to do

3)confine forcibly, imprison (person)

4)urge, impose (fction, conduct) on person.

To enjoin (V.T.)- 1)impose (action, conduct) on person:

2)issue instruction, covvand (person) to do

To impel (V.T.) – drive forcibly, force (percon) to do

To urge (V.T.) – to propel, to cause to proceed.

To oblige (V.T) – bind (person) by oath or promise to do

To empower (V.T) – authorize, empower (person) to do

To enable (V.T)- supply (person) with means to do

To extort (V.T)- obtain (money, promise) by violence

To compel (V.T) - constrain, fore (person) to do

Юкорида санаб ўтилган харакат маъноли феълларидан ташқари таркибида “иш харакат субъектидан объектга томон йўналтирилган каузация ” маъносини билдирувчи суффикс ва префиксга эга бўлган кўплаб харакат феъллари мавжуд. Масалан;

Imprison – қамоққа олмоқ, турмага тиқиб қўймоқ

Endow – доимий даромад билан таъминламоқ

Endue – хокимият (ваколат) билан таъминламоқ

Invigorate – куч бермоқ, гайрат бағишламоқ

Necessitate – мажбурий қилиб қўймоқ, мажбурламоқ, қистамоқ

Susyain – қўлламоқ, куч бермоқ

Reinforce – кучайтирмоқ

Enhance – кўпайтирмоқ, кучайтирмоқ

Strengthen - кучайтирмоқ (янада)

Маълумки, хозирги инглиз тилида харакат маъносини ифодаловчи махсус аффиксал морфемалар йўқ. Шу сабабли инглиз

Отформатировано: английский (США)

Отформатировано: английский (США)

Отформатировано: английский (США)

тилида харакат маъносини ифодалаш учун синтактик конструкциялар қўлланилади. Ундан ташқари бу тилда ўтимсиз феълларнинг ўтимлиги ўтиши натижасида ҳам каузатив харакатни ифодалаш мумкин. Синтактик конструкциялар мавхумлашиш даражасига кўра иккита катта гуруҳга бўлинади.

Биринчи гуруҳ *to have* ва *to get* феъллари воситасида ясаиб, аналитик – морфологик формаларга яқин туради.

Иккинчи гуруҳга эса каузатив харакат маъносини ифодаловчи феълларни харакат маъносини билдирувчи бошқа феълларга қўшиш воситасига ясалади. Бу феъллар хозирги инглиз тилида кўп бўлиб улар қуйдагилардир; *to make, to late, to prevent, to cause, to force, to compel, to ask, to beg, to persuade, to dissuade, to order, to expect, to tell, to want, to wish, to permit, to allow, to enable, to like, to keep, to call, to head, to warn, to recommend, to employ, to appeal, to insist, to get, to advise, to instruct, to invite, to suggest, to request, to forbid, to depress, to urge, to engage, to stimulate, to have* феълларнинг каузатив харакат маъносини ифодалаш каузатив харакат маъносини ифодалашда *to have* феълга бошқа феълларнинг турли формалари қўшилади;

a) *to have +N+V en. (to have something done)*

Бу конструкция бирор ишни қилдирмоқ, бажартирмоқ, юзага келтирмоқ деган маъноларни ифодалайди.

Бу бирикмани айрим тилшунослар аналитик форма деб атайдилар. Аммо биз бу нуқтаи назарни қабул қила олмаймиз, чунки бу бирикма аналитик формаларнинг барча томондан қабул қилинган критериялари ва талабларига жавоб бермайди. Бу хақида Л.С.Бархударов, В.М.Жирмунский, М.М.Гухманларнинг асарларида асосли фикрлар билдирилган²⁸.

²⁸Бархударов Л.С. Очерки по морфологии современного английского языка. М.Высшая школа. 1975. стр.156 Гухман М.М. Глагольные аналитические конструкции как особый тип сочетаний частичного и полного слова.\на материале истории немецкого языка\ В.кн.Вопросы грамматического строя. М.Наука. 1965. стр.322-361

Мисолларни таҳлил қилиб қурамин;

Mr. Swater has decided to have this work done, so you can start on it as soon as you like. (Tressell).

The hospital had not him removed. His wife had not somehow eliminated. (Stern)

Your son will fall, and perhaps when you see him at the bottom of the stairs with his head open you'll realize the importance of having it fixed. (Stern)

He ought to have it cauterized at once, said Mr. Huxer, especially if it is at all inflamed. (Wells)

He would have knifed him if I had not knocked him out just in time. (P. Leslie)

Бу моделга тушган ҳаракат феъллари ҳосил қилган бирикмаларнинг грамматик маъноси ўзбек тилидаги суффикслар воситасида ясалган каузатив маъносини билдирувчи феъл формалари ёрдамида таржима қилинади. Масалан; *to have his hair cut short* - сочни калта қирқтирмақ.

This was a great trouble to the boy, who, since hearing the story of Savson read out of the Bible at school, had ceased from asking to have his hair cut short, lest he should lose his strength, in consequence. (Tressell)

To have them mended – ямоқ солдирмоқ, яматмоқ

The poor people to whom they were given. Couldn't afford to have them mended before using them, and the result was that the books generally began to fall, to pieces, after a few days wear. (Tressell)

Mr. Grinder would have them believed - Бизни Мистер Грайндер ишонтирган бўларди.

If I was you, because. We'd to take the job for next to nothing or Mr. Sweaten, would never have had done it at all. (Tressell)

²⁹Жирмунский В.М. Об аналитический конструкциях. В.сб. Аналитический конструкции в языках различных типов М.Л.АН.СН. 1965. стр5-57.

Отформатировано: узбекский (кириллица)

Отформатировано: узбекский (кириллица)

Отформатировано: узбекский (кириллица)

Отформатировано: узбекский (кириллица)

To have +N+V inf, to have +N+V inf +N. казатив модели бирор нарсани килдирмок , килдиртирмок, бажартирмок каби маъноларни билдиради.

I supposed I may have them to dry now? – she said.(Wells)

Мен нарсаларимни кўриб олишим мумкин бўлса керак - деди у аёл.

| *I would not have him find me here for the world.(C.Doyle)*

Мен ўзимни ҳеч жаҳонда топтириб қўймайман.

+ уйидаги гапларда ҳам каузатив ҳаракат конструкциялари шу тарзда таржима қилинади.

Отформатировано: английский (США)

Supposing I went to your father and had him psychoanalyze me and all, I said. (J.D.Salinger) He decided to write her case of the West Side Post – office and ask for explanation, as well as to have her meet him. (Th.Dreiser) The vicar teaches that the way, to deal with. Those that injure us is to have them to put into prison. (Tressell)

To have феъли билан бирга келувчи ҳаракат феъли -ing формасида ҳам бўлиши мумкин. У ҳолда модель -to have +N+V ing тарзида бўлади.

He had one of those wooden passes sticking out his hip pocket, the same way we usea to have, to show we had permission and all to go to the bathroom. (J.D.Salinger) and we'd always have them messing about down here. (Tressell)

Айрим ҳолларда бундай конструкциялардаги асосий феъл тушиб қолиши мумкин. Бу ҳодиса кўпроқ равиш иштирок этган гапларда учрайди. Унинг модели қуйдагичадир; to have +N+Adv.

The Invisible man had him down grimly. (Wells)

To get феълинг каузатив ҳаракат маънони ифодалашига келсак, бу феълдан кейин от + феълинг турли формалари ёки от+ сифат, ёки предметли от келиб, каузативлик маъносини ифодалайди.

To get +N+Ven моделининг ҳам умумий маъноси каузативликни ифодалашдан иборат бўлиб, бирор бир иш – ҳаракатни биров ёки ўзи томонидан бажарилишини ёки тугатилишини англатади;

And they were lived in opinion as to the reason: some thinking that Nimrod was determined, to key them all on till the jo, was finished, so as

to get it done as quickly as possible.(Tressell) It is not quite fished yet, but I shall get it done, by this week.(Tressell) But she would never be able to get her packing done by herself.(A.Huxley) Sometimes, when it was really necessary to get a job done by a certain time they had to work late, perhaps till eight or nine o'clock.(Tressell)

To get феъли турли конструкцияларда ишлатилади.

Масалан;

to get +N+Adj.

Play with your toys a little while, and I done the washing up. I'll get you ready. (Tressell)

To get +N+Adv.

When you have got her going: put your foot on the left and left rudder and open throttle and get her round and get down wind somehow. (J.Aldridge)

To make феълининг харакат феъносини билдирувчи феъллар билан бирикиб каузатив маънони англатишни тахлил қилсак қуйдагиларни гувоҳи бўламиз. To make феъли каузативликни ифодаловчи асосий феъллардан бўлиб, у мажбур қилмоқ, қистамоқ, бировни бир иш қилишга мажбур қилмоқ маъноларини ифодалайди. to make +V+Vinf.

They didn't make him wash or clean his teeth.(G.Gdeene) But when Emmy said she was't hungry either he stood over her and make her eat. He was timid and rough with her: he made her drink harvest burgundy because he said she needed building up. (G.Greene) It made them feel fine to know the other fellow was round.(G.Greene) Well it is your choice. I guess you know. How you know ran your business. I can't make you touch the case against your will.(A.C.Doyle) Which was to make our people make great again. (R.W.Fox) And'at last I made them understand. (W.S.Maugham)

To make +N+Verb(en)

His father picked the baby up and slapped it to make it breathe and handed it to the old. (E.Hemingway) In the previous week of the new format Kenneth Alldop an old hand, of course, made his individual presence felt.(M.Star) It made me even more depressed when she said that. (J.D.Salinger)

To make+N+A(N) конструкцияси умумий каузатив маънони англатиб; ўзбек тилида – лантирмок, -тирмоқ суффикслари ёрдамида ифода этилади.

The Negro ran through the other patients, while Stern made himself small in his chair and tried to block out all round. After the last patient, Stern found himself putting another bill in the Negro's pocket. (Stern) Don't make him dead, Daddy, said Stern's son. (Stern)

Make феъли ҳаракат феълига қўшилиб каузатив конструкция ясади. *to make+Vinf* make феълига қўшилиб келган асосий феъл *to* юклагани билан, шунингдек *to* юклаганисиз ҳам келиши мумкин.

a) *to* юклаганисиз ясалган каузатив конструкциялар.

All of a sudden I thought of something that helped make know. I was getting the hell out. (J.D.Salinger) Can't you see that these people: whom are you trying to make understand Your plan for the regeneration of the world.... (Tressell)

b) *To* юклаганисиз иш–ҳаракат феълларидан ясалган каузатив конструкциялар.

Attempts were at once made to scure him, but casting off his garments it says, he succeeded in escaping but not until after a desperate stuggle. (Wells)

To make феъли ва иш -ҳаракатни билдирувчи феъллар билан ясалган конструкциянинг яна бир хусусияти шундаки унинг номини алмаштиришдан иборат.

He wanted his rights in some way or other and yet his rights included the retaining of Carrie, the making her feel her error. (Th.Dreiser)

To let феъли ҳам ҳаракатни билдирувчи феъллар билан биригиб каузатив маъносини айрим ҳолатларда ифода этиши мумкин. Бу феъл ёрдамида ясалган конструкция бирор нарсани қилишга рухсат бериш, ижозат бериш бирор ишнинг бўлишига ёки бўлмастлигига тўқинлик қилмаслик ва бошқа шу каби маъноларни ифодалади.

Бу феъл билан ясаладиган каузатив конструкциялар ўз тузилишига кўра бир неча вариантлардан иборат бўлади. *To let +N+V(inf)*

If the men seemsd really ill, Davidson was to let them lie in their dug out until the M.O could have another look at them. (R.Aldington) Then scared at her white face stared at everything he let her go, and went downstairs again. (J.Galsworthy) The girl let her forehead rest against his lips, which moved downwards till they reached hers. (J.Gabworthy) And let me help you off with your coat, too, said Rosemary. (E.Mansfield)

To let + N +Adverb конструкциясида “let” феълининг маъноси анча тўлиқ сақланган. Равиш олдида келган асосий феъл худди тушиб колгандек туюлади.

Let me in (H.Wells) – мен кирай.(менга киришга ижозат беринг)

They are going to let me outsee (Stern)- каранг улар мени ташқарига чиқармоқчи. (чикишимга рухсат бермоқчи).

Юқоридаги мисолларда “let” феъли *in* ва *out* равишлари билан бирга келгани учун иккинчи феълнинг (*come, go*) ишлатилиши шарт эмас. Бу хол фақат инглиз тилигагина эмас, балки ўзбек тилига ҳам хосдир. Масалан *Ичкарига рухсат йўқ. Ташқарига ижозат*, деган жумлаларда (кириш) ва (чикиш) сузлари ишлатилмаслиги ҳам мумкин ва бу нарса гап маъносини тинглатувчи томонидан кийинчиликсиз тушунилишига тўсиқ бўла олмайди.

If he lets me in will you promise not to rush the door. (Wells) He won't let me in, said Abye. (Wells) They'll never let you there if you use slang as outdate as that.(P.Leslie)They wouldn't never let me in anyway. Charbon replied equably.(P.Leslie) Not at all, dear boy: but we mustn't let you off with that. (K.Mansfield)

That fellow at the door there didn't want to let me in until I paid him. (Th.Dreiser)

Айрим холларда “let” феълидан кейин от ёки олмош равишдан кейин, яъни let + adv.+N шаклида келиши мумкин. Бу холат конструкцияда кейинчалаик грамматикаланиш, яъни мавхумлашиш жараёни бошланганидан дарак беради.

The women straightened their back and listened. Even before they understood what the children were shouting, they let down their petticoats and started for the point.

To let + V+ (N) конструкцияси хам акузатив конструкциялардан хисобланади. “to let” феълининг тўғридаги - тўғри феълга қўшилиши грамматик абстракция, яъни аналитикаланишдан дарак беради.

Мисол;

I didn't let do, though. (J.D.Salinger) Gopher Gie had drawn back to let go at a clump of weeds swaying in the breeze beside the path: but he never finished the stroke. (B.Show) Little Freddie had let go his hold of Elsie, to whom he usually ciung tightly and was clapping his hands and chicking with delight and desire. (Tressel)

To let + A конструкцияси хам каузатив маъно англатиб, ўзбек тилидаги сифатдан ясалган каузатив феъл формаларига тўғри келади; *to let free* – бўшатмок.

Мисол;

It seemsd it was only necessary to let that respect I felt when I was talking with old Chiea Mshlanga, to let both black and white people meet gently. (D. Lessing)

Демак, юкоридаги моделларда ишлатилган хамма конструкциялар отлашади, яъни вербал конструкциялар номиналлашади.

Мисол;

If I had someone who knew the business thoroughly, I wouldn't mind showing with him in this one and telling him manage it. (Th.Dreiser).

“to cause “ феълининг каузатив маънони ифодалаш холатларини кўриб чиқамиз. Бу холатларда одатда to cause феъли мажбур қилмок, кўндирмок, қистамок, зўрламок, туриб олмок, сабабчи бўлмок каби маъноларни ифодалайди.

To cause +N +V inf

There is another line at which the dress of a man will cause her to study her own. (Th.Dreiser). It was four o'clock before the warning

day, with its suggestion of a cooler evening, caused him to return. (Th.Dreiser).

To cause + N +N

Кўп холларда “to cause” феъли икки объектли бўлиб, ёлғиз ишлатилади.

The girl really had no idea where she had gone, but not liking Hurstwood and wishing to cause him trouble answered: “yes, Hooley’s”. (Th.Dreiser). He must do something with the girl, or she would cause him trouble. (Th.Dreiser) This confession of faith caused a fresh outburst of hilarity, because of cause everyone knew what a Bush Baptist was. (Tressell). But these tears caused no throb of pity in the bosom of Misery. (Tressell). There are the wretches who cause poverty. (Tressell)

“to force” феълининг харакат феъллари билан бирикиб каузатив феъл вазифасини бажариш холлари ва уларнинг хусусиятларини тахлил қилиши шу нарсани кўрсатадики, бу феъл (мажбур қилмоқ, қистамоқ, буюрмоқ, зўравонлик қилмоқ, зўрламоқ, куч ишлатмоқ

To force + N +V inf

Ben forced him to back out, and he got a good long glidding shot of him as he headed down to the bottom, slowly and angrily. (J.Aldridge). He learned over her, and lifting her face forced her to look at him. (S.Maugham). “Don’t write”, said Stern searching for some lastditch argument that would force Fabiolo to reconsider (Stern). And an impartial listener - had there been one there - would have been forced to come to the same conclusion... (Tressell). I broke him, and at last he was forced to come to me like a beggar and beseech me to give him a passage back to Sydney. (S.Maugham).

To force + V +(N) “to force,” to cause,” “to let”. - каби тўшамдан тўғри бошқа феълларга кўшилиб аналитик формага яқин бўлган каузатив конструкция ясайди. Масалан;

The police force to protect the property of those who have something to lose. (Tressell)

Феъл пасив формада келганда бу конструкция доим ишлатилиши мумкин.

And they were forced to admit that he was always very well dressed.(Tressell).

To force +Adj

It was an easy task for the burly policeman to force open the office door .(Tressell)

“to force “ феъли билан ясалган конструкцияни таржима қилганда турли усуллардан фойдаланилади.

a) ўзбек тилидаги каузатив конструкциялардан

.... he forced his aching legs to pound quickker. (P.Leslie)

У оғриб турган оёғини тезроқ судранишга мажбур қиларди.

You’ve been deceiving me all the time, and now you want to force me to run away with you. (Th. Dreiser)

Мени хамма вақт алдаб келдингиз, энди эса мени ўзингиз билан қочиб кетишга мажбур қилишни хохлаб турибсиз

b) ўзбек тилидаги каузатив формаларидан

she forced down her upper lip, as if afraid that to smile was not possible. (J.Gabworhty)

Кулимсираш; худди айб саналганидай куллимсираб устки лабини пастга тиради.

“To compel” феълининг ҳаракат феъллари билан бирикиб каузатив маъно англатишини таҳлил қилганда қуйдагича ҳолатларни кузатамиз. Бу феъл ҳаракатни билдирувчи феъллар билан бирикма ҳосил қилганда “мажбур қилмоқ,” “қистамок” каби каузатив маъноларни ифодалайди.

Some of them possess abilities and the system has practically compelled them to employ those abilietes.....(Tressell)

Бу конструкция кўпроқ пассив формада ишлатилади. “to compel” Феъли иштирок этган конструкция номиналлашишига мойилдир;

As for linden’s sons, Quardians intimated their intention of compelling them to contribute towards the cost of their parents maintenance.(Tressell)

“to ask” феълининг ҳаракат феъллари билан бириккан ҳолда каузатив маънони ифодалаган ҳолатлари бировдан бирор нарса қилиши ёки бажаришни сўраш, илтимос қилиш, ўтиниш ва шунга ўхшаш маъноларни англатади. Бу феъл воситасида ясаладиган асосий модель *to+N+V+inf* бўлиб, номиналлашган ёки номиналлашмаган булади.

Мисол;

She asked me to give it to you when you had found the one lived. (B.Shaw) "I hope so "; said Charles, though I'm going to ask you to do exactly what you did then,....(B.Shaw)I'm asking you to criticize my son's work for nothing.(Tressell) When the others found out where he was going several of them asked him to bring back a drink for them. (Tressell)

Умумий хулосалар.

Инглиз тилидаги харакатни билдирувчи феъллар синонимик қаторининг функционал семантик хусусиятларни бартафсил ва атрофлича қилинган тахлили қуйдаги хулосаларга олиб келади.

1. Синоним ва синонимларнинг алоҳида – алоҳида лексик - семантик гуруҳлар (парадигмалар) сифатида ажратилиши ўз навбатида тил ҳамда шу тил луғат тизимининг система характериға эға эканлиғидан далолат беради. Бир сўз билан айтганда синоним сўзлар бу - аниқ семантика асосида боғланган лексик парадигмалар, ўз навбатида яхлит бир микротизимини ташкил қилади. Бу микротизим доирасида хар бир элементнинг мавжуд маънолари билан ўзаро боғланишиға кириш асосида намоён бўлади.
2. Инглиз тилидаги харакатни билдирувчи феълларнинг қуйдагича семантик турлари мавжуд;
 1. *тор маъноли, бир йўналишли иш - харакатни билдирувчи феъллар*
 - а) бир субъектли
 - б) бир неча субъектли
 - с) бир неча объектли
 2. *икки йўналишли, кенг кам фарқланадиган семантикали феъллар*
 - а) субъект – объект номли
 - б) объект – субъект номли
 - с) икки йўналишли, юқори семантик ўтимли бўлган феъллар.
3. *Номлаш вазифасида ташқари кўрсатиш (дейтик) вазифаси ҳам бажарувчи феъллар.*

- a) узоқлашишни билдирувчи феъллар
- b) яқинлашишни билдирувчи веъллар
- c) кўтарилишни билдирувчи феъллар
- d) пасайишни билдирувчи феъллар

3. Англлатилган маъносига кўра феълларни қуйдагича классификацияси

- a) иш – ҳаракат феъллари
- b) жараён феъллари
- c) ҳолат феъллари
- d) аралаш маъноли феъллар

4. Юқорида келтирилган ва келтирилмаган феъл маъноларини умумлаштирилган ҳолда бу қуйдаги классификацияни тавсия қиламиз;

- | | |
|---------------------|-----------------------|
| a) статик феъллар | f) фактитив феъллар |
| b) динамик феъллар | j) фазис феъллар |
| c) актив феъллар | k) модал феъллар |
| d) ноактив феъллар | l) модус феъллар |
| e) каузатив феъллар | m) преспектив феъллар |

5. Гаплар семантик предикатининг иш - ҳаракатда иштироки ва конституентларнинг ҳаракатларига кўра феъллар қуйдаги гуруҳларга бўлинади;

- a) ҳажм ва тўлдирувчилар йўналтирилган феъллар
- b) фақат суюкликлар, қаттиқ ва тўкилувчи моддалар билан ишлатиладиган феъллар
- c) эришишни билдирувчи феъллар
- d) кўшишни билдирувчи феъллар
- e) озод, марҳум бўлиш, қутилишни билдирувчи феъллар
- f) фазовий ҳаракат феъллари
- j) ҳолатни ўзгартирувчи феъллар
- k) давом этувчи иш - ҳаракатни билдирувчи феъллар
- l) ҳолатни билдирувчи феъллар

6. Ҳаракат феъллари икки томонлама семантик моҳиятга эгадир яъни асл маъноси ўтимсизлик бўлган феъллар контекстда каузатив ўтимли ҳаракат маъносини икки лексико - семантик вариантга эга бўлиши мумкин.

а)1ЛСВ- субъект томонидан мустақил равишда бажариладиган иш – ҳаракат

б)2ЛСВ – субъектнинг объектга таъсир қилиши натижасида иш – ҳаракат бажарилиши.

7. Субъектив ҳаракат феъллари (ўтимсиз феъллар) деб гап таркибидаги фақат субъект билан (эга билан) боғланидиган феъллар тушунилади. Бу феълларнинг асосий хусусияти шуки, улар фақат чап томонлама бирикувчанликка эгадир. Ўтимлилик феълларнинг икки тури бор.

а) юзаки ўтимсизлилик - синтактик ўтимлилик.

б) куйи (чуқур) ўтимлилик - семантик ўтимлилик.

8. Ҳаракатни билдирувчи феъллар семантик нуқтаи назардан маълум камчиликка эга бўлган (дефектив, номукамал) феъллар гуруҳига киради. Чунки вазиятнинг тўлиқ характеристикасини бера олишга улар ўзларича қодир эмас. Бунинг учун уларга фазовий (бошланиш, давомлилик, тугалланиш) ва вақт маъносини берувчи адвербиал модификаторлар талаб қилинади. Чунки улар ички семантик бирикиши доирасидан четдан қолади. Субъект феълларида категориал сема – (субъектнинг ҳолати, жараёни) бўлса, объект феълларда динамик семантик белги - иш – ҳаракат, таъсир, яратиш маънолари туради. Икки йўналишли семантик вариант томон амалга оширилади.

Фойдаланилган илмий адабиётлар рўйхати

1. Абдуллаев Ю.Н, Бушуй А.Язык и общества Т, Фан. 2002 -460с.
2. Абдурахимов Г.Ўзбек тили грамматикаси. (синтаксис) Тошкент. “Ўқитувчи” нашриёти,1996.
3. Арнолд И.В.Стилистика современного английского языка.Л.1981.
4. Ашурова Д.У.Производное слова в свете коммуникативной теории языка Т.Фан,1991.
5. Бенвенист Э.Общая лингвистика, М.Прогресс, 1974.
- 6)Блох М.Л.Теоретические основы грамматики М.ВШ. 1986
7. Будагов Р,А,Язык – реальность – язык. М.1984
8. Буранов Д.Б.Сравнительная типология английского и тюркского языков. М.ВШ 1983.
9. Буранов Ж.Хошимов У. Исмадуллаев Х. Инглиз тили грамматикаси. – Тошкент, Ўқитувчи нашриёти,1974
10. Вейнрейх У.Опыт семантической теории.В кн; Новое в зарубежной лингвистике.Вып.Х.М. 1981 – 152 – 176.
- 11.Гак. В.Г.Семантическое структура слова как компонент семантической структуры высказаня. –В.кн;Семантическая структура слова. –М.Наука 1971,с230 – 239.
12. Есперсен О.Философия грамматики.М.Изд МГУ,1976.
13. Золотова Г.А.Очерки функционального синтаксиса русскога языка, М.Наука.1973 – 301с
14. Кацнельсон С.Д.Содержание слова, значения и обозначение. М.Л,Наука,1965.
15. Караулов Ю.Н.Словарь как компонент описания языков.М.1976
16. Колшанский Г.В.Контекстная семантика.М.1980
17. Лосев А.Ф –О понятии смысловой валентности.М.1981
18. Лыбиц Д.Общая семантика М.1983
19. Махмудов Н. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик – синтактик ассиметрия.Т.Ўқитувчи 1984.
20. Нематов Х. Ўзбек тили система лексикологияси Т.1992
21. Новиков Л.А.Семантика русского языка М.1982
22. Нурманов А.Махмудов Н. Ўзбек тилининг мазмуний синтактикаси. Тошкент 1992
23. Нурманов А. Тил хақида синтактик назариялар Тошкент 1988

24. Расулова М.И. Проблемы лексической категоризации в лингвистике АДД, Т, УзГУМЯ,1998
25. Рахимов С. Проблемы дейксиса как категории типологической лингвистики АДД,-М;МИВП,1990
26. Расулов Р. Ўзбек тилидаги холат феъллари ва уларнинг облигатор валентликлари. Т.1989
27. Расулов Р. Ўзбек тили феълларининг семантик структураси Т. 1991
28. Сатимов Г. О сопоставително –типологическом методе в лингвистике - Сборник научных трудов.Сам ГУ,Самарканд,1980,147- 156 стр
29. Сатимов Г. Типология безличных предложений, Ташкент, Фан,1987
- 30)Слюсарева Н.А. Проблемы лингвистической семантики. М.ВШ 1973
31. Силницкий Г.Г. Семантические и валентносые классы английских каузативных глаголов – АДД, -Л,1974
32. Солнцев В.М. К вопросу о семантие или языковом значении - проблемы семантики М.1974
33. Степанов Ю.С.Основы общего языкознания М.1975
- 34) Телия В.Н. Типы языковых значений.Связанные значения слова в языке АДД,М.1981
35. Уфимцева А.А. Типы словесных знаков М.1974
36. Усмонов С. Умумий тилшунослик. Т.1977
37. Чейф У.Значение и структура языка М,1975
38. Шведова Н.Ю. О соотношении грамматической и семантической структуры предложения. Славянское языкознание. 7 – международный съезд славистов. Доклады советской делегации. – М.1973,стр.460-464.
39. Юсупов У.К.Проблемы сопоставительной лингвистики. Т.Фан,1980.
40. Кулдошев А.Семантика и функционирование пассивной структуры get причастие 2. В современном английском языке. АКД,М1986
41. Х.Кунгуров. Ўзбек тили стилистикаси. Т.1971
42. Хожиев Х. Сўз ва унинг тил ва нуткдаги ўрни. Ўзбек тили ва адабиёти журн. 1988, 6-сон. -38-43б.
43. Blokh M/Y/ A course in Theoretical English Grammar/М, изд. Высшая школа. 1983.
- 44.Buranov J/B, Yusupov U.K, Iriskulov M.T, Sodikov A.S.The grammatical structure of English, Uzbek and Russian. Tashkent, o'qtuvchi PH,1986/
45. Curme J/O/ A Grammar of the English Language.In three volumes.Vol.11

- Parts of speech and Accidence by J.O.Curme, Boston,p 30-57:1760189.
46. Ilyish B.The Structure of Modern English.Leningrad 1971.
 47. Jespersen O.essentials of English Gravvar. N.U.1939,p 66-69
 48. Khaimovich B.S.,Rogovskaya.A course in English Gravvar. M.1967, p92-96.
 49. Katz,Fodor.Generative Semantics.N-Y, 1976
 50. Lakoff R.Passive resistance.-In;Papers from Regional meetings of the Chicago Linguistic Society. Chicago University, 1971,N,pp.149-162.
 51. Palmer H.E,Blanford F.G.A.Grammar of Spoken English Cambridge, Cambridge Univesity Press 1989
 52. Quirk R. Greenbaum S.a,o.A.Grammar of Contemporary English Lnd., Longman.1972
 53. Quirk R., Greenbaum S.A.University Gravvar of the English Language – Lnd.,Longman. 1975.
 54. Sweet H.A.A. new English Grammar, Logical and Historical Oxford 1974.
 55. Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка (стилистика декодирования). – Л.: Просвещение, 1973. - 304 с.
 56. Воробьева С.В. Системно-структурное преобразование семантики слова в процессе лексического заимствования (на материале новейших англицизмов в русском языке): Автореф. дис.... канд. филол. наук. – Минск, 2003. - 20 с.
 57. Кунин А. В. Англо-русский фразеологический словарь. -Изд. 3-е, испр., в двух книгах. -М.:СЭ, 1967. – Т.1.- 738с.;Т.2. – 739 - 1264с.(АРФС)
 58. Net informations
 - 59) Ziyonet
 - 60). WWW.LIB.COM,

WWW.WORLBOOK.COM,

WWW.TWIRX.COM